

Сабр косаси тўлган она ишдан қайтган ўгли Норғулга катта акаси Шерқўзини чақириб келишни буюради. Иккала ака-ука маст Норқўзини уриб-тепиб, уйнинг совуқ хоналаридан бирига киргизиб, ётқизишди. Ичкиликнинг зўридан ҳеч нимани англамай қолган Норқўзи донг қотиб ўхлади.



Акалар ота ҳовлисидаги чироқни ёқиб қолган укага тиш қайраган кўйи, уйни сотиб, пулини бўлиб олишни кўзлашди. Ука эса оёғини тираб олиб, ҳовлини соттирмасликка ҳаракат қилди. Мажарога келинлар аралашиб, жанжал алангасига бензин сепгандай бўлишди.



Нидош

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2014-yil 6-fevral, №6 (891)

Парламентада

Йил сарҳисоби

Жорий йилнинг 3 февраль кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2013 йилдаги фаолияти янқуларни ҳамда 2014 йил — «Соғлом бола йили»да белгиланган устувор вазифалари мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўткиржон ДЕХҚОНОВ,
«Нидош»

жараёнида фаол иштирок этган ва "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан қизғин иш олиб бормоқдалар.

Маълумки, Президентимизнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги мазрузасида барча соҳалар қатори депутатлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкланган эди. Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда мамлакатимизда демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонунчиликни такомиллаштириш, қонунлар ижроси юзасидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу жараёнда ижтимоий ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга бўлган таъкидлаб ўтилди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олдидлар.

Семинар

Қонунчилик палатаси Аxbopот хизмати ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда эътироф этилганидек, Президентимиз Ислам Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролар жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган устувор вазифалар бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирмоқда.

Қўмита раиси А.Саидов таъкидлаганидек, 2013 йилда мамлакатимизда кучли ва очик фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган демократик институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонунларни тайёрлаш, шу йўналишдаги амалдаги қонунларнинг ижросини назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш ҳамда бу борадаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини

кeнг жамоатчиликка етказиш бўйича амалга оширилган ишлар эътирофга лойик.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари янги тахрирда қабул қилиниши ва шу қонунлар билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳам қўмита масъулигида 2013 йилда қабул қилингани шулар жумласидандир.

Бугунги кунда қўмита аъзолари "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси бўйича ўтказилган ҳуқуқий эксперимент

Ифтихор

9 февраль — Буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллуд топган кун

Истиқлол ва Навоий

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоди



Истиқлол Алишер Навоийга муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Аслида бу муносабат истиқлол арафасигаёқ бошланган эди.

Ўзи ўша 1991 йил халқимиз ва республикамиз учун бошидан хайрли келган. Ҳали собиқ Иттифок таркибиде турган бир республикада илгарилари бирон-бир йил алоҳида ном билан юритилганини ҳеч эслайсизми? Йўқ, 1991 йилни эса мамлакатимиз Президентини аввал бошдан улуг ўзбек шоири ва мутафаккири таваллуднинг 550 йиллиги муносабати билан "Алишер Навоий йили" деб эълон қилган эди.

Ўшангача Навоийни улуг ўзбек шоири ва мутафаккири, ўзбек адабий тили ва адабиётининг асосчиси, шеърият мулкнинг султони деган таърифлар билан шарафлаб келар эдик. Бу зоти шарифга республика раҳбарининг бундай алоҳида эътибори шарофати билан навоийшунос олимлар йиллар давомида айтолмаган Шамс ул-миллат (миллат Қўёши), маънавий пирамида деган ҳақли таърифларни матбуотда очик ишла-та бошлади.

Мустақилликнинг биринчи охирилариде Алишер Навоий таваллуднинг 550 йиллиги халқаро миқёсда кeнг нишонланди. Илмий анжуманлар, учрашувлар, сайлар, концертлар бўлди. Ўзбекистон миллий боғига шоир номи берилди. Богнинг энг баланд тепалигида унинг басавлат ҳайкали қад ростлади. Очилиш маросимиде Мустақил Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов халқ вакиллари олдида ёрқин нуртқ сўзлади.

Энг муҳим янгиликлардан бири шу бўлдики, миллий богда ош тортилди, шоир руҳи покига дуойи фотиҳалар қилинди.

1991 йили Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов ташаббуси билан аввал А.С.Пушкин номида бўлган тил ва адабиёт институтига Алишер Навоий номи берилди. Ҳеч ким А.С.Пушкин номига қарши эмас. Таъкидлаш жоизки, жаҳонга машҳур бўлган рус шоири ҳам халқимиз эътиборидан четда қолгани йўқ. Мана, пойтахтимизнинг метро бекатларидан бири унинг номи билан аталади. Колаверса, бекатдан чиқаверишингизда буюк шоир номидаги майдон бор. Марказида эса унинг ҳайкали савлат тўкиб турибди. Лекин қайси мантик, қандай боғлиқликка кўра ўзбек тили ва адабиётини тадиққ этидиган дунёда ягона илмий даргоҳга рус шоири номи берилиши керак?..

Ҳар бир иттифоқдош республикада ўз халқи тили ва адабиётини ўрганидиган институт бор эди. Холбуки, Озарбойжонда худди шундай илмий даргоҳ Низомий, Тожикистонда Рудакий, Туркманистонда Махтумқули, Қозоғистонда Абай номи билан юритилар эди.

Ифтихор билан айтиш керакки, Навоий йилида биз истиқлолга эришдик.

Навоийга муносабат истиқлол даври маънавий сиёсатининг ўзигада турибди десак, муболага бўлмас.

Президент Ислам Каримов 2000 йилнинг январиде иккинчи қадири Олий Мажлис биринчи сессиясида Алишер Навоий ижодининг миллий маънавиятимиздаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида алоҳида фикр билдирди. Бу мулоҳазалар Навоийни ёшларга кўпроқ ағлатиш учун ниҳоятда зарур.

...Жойларга борадиге янги мактаблардаги синфларни кўрсатишди. Шунда адабиёт синфини ҳам кўрсатишди. Шу адабиёт синфинда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш методикаси акс этган экан.

[Давоми 6-бетда]

Янги тартиб ишга тушди

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишнинг янги механизми жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хусусий тадбиркорлик субъектлари ва рўйхатдан ўтказиш органларини янги тизим имкониятлари билан таништириш мақсадида ўқув семинар бўлиб ўтди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби электрон шаклга ўтказилишини таъминлаш семинарнинг асосий мавзуси бўлди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олиш механизми шу кунга қадар бирмунча мураккаб эди. Шунинг учун ҳам уни соддалаштириш мақсадида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан 2014 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан янги тизим маҳаллий тадбиркорлар учун қатор имкониятлар яратиши таъкидланди. Жумладан, маълум вақт оралиғида порталда келтирилган намунали шакллар асосида таъсис ҳужжатларини расмийлаштириш, тадбиркорлик субъектларига солиқ тўловчининг идентификацион рақами ҳамда қорхона ва ташкилотларнинг асосий қодини беришда айрим давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш имконини беради.

Бунда рўйхатга олинган таъсис ҳужжатлари ва рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг электрон шаклда берилиши кўзда тутилган. Бу эса хусусий тадбиркорларга давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларини тақдим қилиш тартибини жиддий равишда енгиллаштиради, ваҳоланки, шу чоққача бунинг учун аризагининг ўзи шахсан иштирок этар эди. Яна бир қувонарли томони шундаки, эндиликда давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож тўловини ҳам интернет орқали амалга ошириш мумкин.

Ўз мухбиримиз

Нафси ўлқонлар

ёқуд банк ходимларининг кирдикорлари хусусида

Диёнат ва хиёнат. Шақлан бир-бирига қояйдиш бўлган бу сўзлар мазмунан қарама-қарши маъноларни англатади. Инсофли, имон-этиқодли, ўзгаларнинг ҳақиқа ола қарамайдиган кишиларга нисбатан "фалончи диёнатли инсон" дея таъриф берамиз. Бундай кишиларга худди ўзимизга ишонгандек ишонамиз. Улар бундай фазилати билан маҳалла-қўйда, ишонада алоҳида ҳурмат-иззатга лойиқ кўрилади. Бунинг акси бўлса-чи? Бировнинг ҳақини "туя" қилишга одатланган, ёлғончиликни касбага айлантирган, инсоф-у диёнатдан йироқ кишилар эса ўзларининг бундай феъл-атворлари билан жамиятда «юлғи, олғир, фирибгар» деган номларни орттириб олади. Одатда бундай кимсаларга ҳеч ким ишонмайди. Қолаверса, уларга берилган салбий баҳодан оила аъзолари, яқинлари, айниқса, фарзандлари ҳам азият чекади.

Лутфулла Астанов, Сирожидин Самадов, Зухридин Сайфиддинов — бу учала шоввоқ ДТ "Халқ банки" Фузор филиалининг 018-сонли шохобчасида назоратчи-хисобчи вазифасида ишлаб келишган. Нафс қўйида ўзаро жиноий тил бириктириб, кўп микдордаги давлат мулкни талон-торож қилган бу уч шерикнинг жиноий қилмишлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан фаш этилди.

Аслида зиммасига фуқаролар харид қилган автомашиналар учун туман ИИБ ЙХХГ 2-ТРИБ (туманлараро рўйхатлаш, имтиҳонлаш бўлими)дан давлат рақами олиш, йўл фонди, автомашинани газ ёқилгиси билан юришга қайта жиҳозлаш, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш ва йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун тайинланган жарима пулларини қабул қилганлиги ҳақида қитанция эзиб бериш ҳамда қабул қилиб олинган пулларни банкка топшириш каби масъулятли ва-

зифалар юкланган бу кимсалар ўз киссасини қаппайтириш билан шуғулланиб келишган. Бу борада Л.Астанов ҳамтоволқарига устозлик қилган.

2009 йилнинг 26 июнидан 2012 йилнинг 19 июлига қадар шохобчада назоратчи-хисобчи ва хазиначи вазифасида ишлаб келган Л.Астанов бир неча йиллик меҳнат фаолияти давомида тўлов билан боғлиқ банк қитанцияларини қалбакилаштиришда яхшигина "тажриба" орттиришди. У фуқаролар томонидан кассага тўланаётган пулларни ҳисоб-китоб қилишда икки хил қитанциядан фойдаланади. Биринчиси ҳақиқий қитанция бўлиб, тўловни амалга оширган фуқароларга берилган. Яъни автомашиналарга давлат рақами олиш, йўл фонди, автомашинани газ ёқилгиси билан юришга қайта жиҳозлаш, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун ҳамда йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун тайинланган жарима худди давлат божи ва тўлов ставкаларида қанча микдорда кўрсатилган бўлса, ўшанча сума эзилган қитанциялар. Иккинчиси эса қалбакилаштирилган, яъни тўланган пуллар микдори анча камайтириб эзилган қитанциялар. Фуқаролар тўланган пул маблағлари банк филиалига ана шу сохта қитанциялар орқали кириб қилиб борилган. Натижада, Л.Астанов шохобчада масъул вазифада ишлаган даврида фуқаролардан қабул қилиб олган жами 2 млрд. 100 млн. сўм нақд пулнинг 1 млрд. 383 млн. сўмини банкка топшириб, қолган 717 млн. 186 минг сўмини ўз манфаати йўлида сарфлаб, жуда кўп микдорда давлат мулкни талон-торож қилди.

Ўзгалар мулкни талон-торож қилишда анча "тажриба" орттирган Л.Астановнинг "масъулаҳати"га амал қилган С.Мамадов 2011 йилнинг 21 декабридан 2012 йилнинг 6 августига қадар шохобчада назоратчи-хисобчи бўлиб ишлаган даври-

Абдуҳаким МУСАЕВ,
Фузор туман прокурорининг катта ёрдамчиси

да фуқаролар томонидан турли мақсадлар учун тўланган 865 млн. 680 минг сўм нақд пулнинг 486 млн. 258 минг сўмини банк муассасасига топшириб, қолган 379 млн. 422 минг сўмини ўз манфаати йўлида сарфлаб юборади.

З.Сайфиддинов эса 2012 йилнинг 20 июлидан 3 августига қадар мазкур шохобчада назоратчи-хисобчи вазифасида ишлаган бир ярим ойлик фаолияти мобайнида фуқаролар томонидан турли мақсадлар учун тўланган 93 млн. 707 минг сўм нақд пулнинг 53 млн. 188 минг сўмини банк филиалига топшириб, қолган 40 млн. 519 минг сўмини ўз манфаати йўлида талон-торож қилди.

Халқимиз ўзи тўйса ҳам кўзи тўймайдиган кимсаларни «еб-тўймас, баднафс, очофат» деган сўзлар билан атади. Бундай кимсалар тоғдек келадиган лўқман ҳам ямламай ютиб юборишга тайёр бўладилар. Юқорида номлари зикр этилган Л.Астанов, С.Мамадов ва З.Сайфиддиновнинг қилмишлари ҳам очофатликка монанд ҳолат.

Албатта, кингир ишнинг қийиғи чиқмасдан қолмайди. Банк муассасаларидаги маблағ — халқ мулки, давлат мулки ҳисобланади. Бу маблағни ноқонуний йўллар билан ўзлаштириб, ўз манфаати йўлида совуришга, талон-торож қилишга ҳеч кимнинг ҳақиқи йўқ. Юқорида қилмишлари баён этилган банк ходимларининг жиноий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан фаш этилди ва жиноят ишлари бўйича Фузор туман суди томонидан жиноятга жазо муқаррарлиги таъминланди. Кўпнинг ҳақиқа хиёнат қилишини оқибатини ўйламаган банк ходимларининг маҳалла-қўй, меҳнат жамоаси олдида юзлари шувут бўлиб қолди.

Қилмишлари ошкор бўлди

Ўзбекистоннинг тараққий этган давлатлар қаторига қўшилиб бориши, турмушининг янада фаровон бўлишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ҳамма аҳамияти беқийс. Бугун дунёдаги қай бир ривожланган давлатнинг иқтисодиётини кузатманг, хусусий тадбиркорлик унинг асосий бўлигига айланганига ғувоҳ бўласиз. Мамлакатимизда бу борада юртилаётган оқилна сиёсат ва соҳага берилмаётган эътибор туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора кенгаймоқда.

Шунингдек, бу борадаги қонунчилик тизими ҳам мустаҳкамланиб, тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши тадбиркорлар фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда. Аммо ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, валютафурушликни ўзлари учун касб қилиб олган шахслар ҳам афсуски, учраб турибди.

Фуқаролар К.Одинаев, Ф.Исомиддинов ва Н.Джаллолидиновларни ана шундай "тадбиркор"лар сирасига киритиш мумкин. Мазкур шахслар бир гуруҳга бирилашиб, қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олиш ва ўтказиш каби жиноятларни содир этиб келганлар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-си ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент ви-

лоят бошқармаси тегишли буйруғи билан Анрен шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда, юқорида номлари келтирилган фуқаролар "Анрен Логистика маркази" ЕАЖ маъмурий биноси ёнида фуқаро К.Абдуллаевага қонунга хилоф равишда 12 минг 500 АҚШ доллари 2 минг 750 сўмдан баҳолаб, жами 34 млн. 375 минг сўмга сотган вақтда ашъвий далил билан қўлга олинди.

Кингир иш инсонга ҳеч қачон наф келтирмаслиги барчамизга маълум. Ноқонуний иш билан шуғулланиб келган К.Одинаев, Ф.Исомиддинов ва Н.Джаллолидиновлар суд ҳукми билан тегишли жазога тортилдилар. Улар томонидан фуқаро К.Абдуллаевага қонунга хилоф равишда сотилган 12 минг 500 АҚШ доллари эса давлат фойдасига ўтказилди.

Хозирда ҳуқуқимизнинг томонидан тадбиркорларга яратилаётган қўлайликлар ва бу борада қабул қилинган қарорларнинг мазмун-моҳияти фуқароларга мунтазам равишда семинарлар ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларда, шунингдек, маҳалла фаоллари кўмагида тушунтириб боришмоқда.

Ўйлаيمизки, фуқароларимиз юқоридаги сингари "тадбиркорлик" фақат вақтинчалик эканлигини, қонунга хилоф фаолият бир кун келиб панд беришини тўлиқ тушуниб етадилар.

Ўтган йил яқунлари сарҳисоб қилиниб, ҳар бир соҳада, жумладан, қишлоқ ҳўжалигида қўлга киритилган ютуқлар, шунинг баробарида, камчиликлар ҳам таҳлил қилиниб, яъни галвир суван кўтирилди. Кимнидир йил бўйи қилган меҳнатлари натижасида кўкси осмон, юрт оламида юзи ёруғ. Бугун қиш-қировли кунлар бўлишига қарамай, иш кўзини бианг деҳқонлар келгуши йил ҳосили учун алақачон ҳаракатни бошлаб юборишган. Таҳлилларга ўталган бўлсақ, кимдир астойдил ҳаракат қилиб, умумюксалишга муносиб ҳисса қўши-ю, кимдир ҳатто режани ҳам узда-лай олмади.

Ёрнинг уволи ёмон

Бахтиёр МАМАДАЛИЕВ,

Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Бошланаётган пахта мавсумида ўтган йилда йўл қўйилган хатолар, камчиликларни такрорламаслик учун таҳлилларни таққослаш гоят муҳимдир. Зеро, ўтган кунлардан сабоқ чиқариб, келажак сари оидмал хайрли мақсадлар рўйига хизмат қилади.

Мамнуният билан таъкидлаш керакки, муваффақиятлар омилли меҳнатда эканлигини биладиган, ёрнинг қадрига етадиган деҳқон ва фермерларимиз бисёр. Шунинг учун ҳам эл-юртнинг юзи ёруғ.

Аммо беш қўл баробар бўлмаганидек, "бўлса бўлар, бўлмаса..." қабилида иш тутадиган, умумини эмас, ўзининг киссасини ўйлайдиган, ҳатто бор имконият даражасида меҳнат қилмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Табиийки, бундайларнинг лоқайдлиги ўзигагина зиён етказиб қолмай, эл-юрт ривожига ҳам тушов бўлади.

Поп туманидаги "Озода Мамадали" фермер ҳўжалиги раҳбари Илхом Исмонов 2013 йил ҳосили учун режага кўра 108,9 гектар экин майдонининг 43,3 гектарига пахта, 65,6 гектарига галла экиши лозим эди. У тегишли ташкилотлар билан шартнома имзолаётганда куюқ ваъдалар берди.

Виждон, орият каби қадриятлар одамнинг феъл-атворидида зоҳир бўлиб турса-да, ички дунёсига, қалбига тааллуқли тушунча. Лафз эса ана шу ички дунёни ташқи муҳит билан бевосита боғловчи бўлгани учун улар қаторига қўйилади. Инсон учун лафзига, яъни берган сўзига амал қилиш, ваъдага вафо мардик, ор-номус ҳисобланади. Шунинг учун халқимиз орасида "Айтилган сўз — отилган ўқ" ибораси ҳикматга айланган.

И.Исмонов буларни билмасди, дейлмаймиш. Боиси, ёши 45 га борган бу шахс, алақачон оқ-қорани ажратиб олган. Лекин прокуратура органлари томонидан ўтказилган мониторингда у ўз лафзига хилоф иш юритгани ошкор бўлди. Буни қарангки, у чигит экилиши лозим бўлган 10,8 гектар майдонга режага киритилмаган сабазот, дуқакли ва полиз экинларини ўзбошимчилик билан экиб олди. Натижада 22,6 тонна (18 млн. 102 минг 600 сўмлик) пахта хомашё-си етказиб бериш имкониятини йўқотиб, давлат манфаатларига жиддий зиён етказди.

Бундан ташқари, И.Исмонов "Агробанк"нинг Поп филиалдан пахта етиштириш учун ажратилган 6 млн. 928 минг 100 сўмлик имтиёзли кредит олади. Аммо уни пахта етиштиришга эмас, юқоридаги 10,8 гектар ердаги ноқонуний экинларнинг парвариши учун ишлатиб юборади.

Бу дунёни ҳисобли дунё, дейдилар. Шундай бўлган, яъши ишнинг ҳам, ёмоннинг ҳам албатта, жавоби бор. Шундай бўлди ҳам. И.Исмонов суд ҳукмига асосан тегишли тартибда жиноий жавобгарликка тортилди.

Тумандаги "Чодак Анҳор Лойиха" фермер ҳўжалиги раҳбари Помир Нормухаммедов ҳам жорий йил бошида "Поп пахта толаси" ОАЖ билан фермер ҳўжалиги ўртасида тузилган контрактация шартномасига асосан 88 гектар ер майдонидан 85,8 тонна пахта хомашёси етиштириш мажбуриятини олган эди. Аммо унинг ҳам нафси устунлик қилди. Чигит экилиши лозим бўлган 29,7 гектар ерга кашнич ва дуқакли экинлар экиб олганлиги сабабли 15,6 гектар ер майдони ҳайдалмаган, яъни шудгор қилинмаган ҳолда қолиб кетди. Аслида у ерга ҳам ноқонуний тарзда бошқа экинлар экиши мақсад қилганди. Натижада 35 млн. 559 минг сўмликдан ортик пахта етиштириш имконияти чип-пакка чиқди.

Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши кўзгатилиб, П.Нормухаммедов суд ҳукми билан жазога тортилди. У эл-юртнинг ризқ-рўзи манбаи бўлиши она заминга, умуммиллий бойлик етиштиришга виждонсизларча муносабатда бўлгани учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келди.

Албатта, таъкидлаб ўтилган ҳолатларнинг барчасига ҳуқуқий баҳо берилди. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида учраётган бундай жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон яратаётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли мутасаддиларга тақдирномалар юборилмоқда.

Юқоридаги қонунбузилишларни беҳиз баён этиб ўтмасдик. Зеро, қиш ўтиб, яна баҳор келади. Бу эса янги мавсум дегани. Умид қиламизки, гектар-гектар ерларни тасарруфига олиб, фермерликни ихтиёр этган ҳамюртларимиз бундан тегишли хулоса чиқариб оладилар. Акс ҳолда, ёрнинг уволи ёмон.

Қонун устуворлиги — тараққиёт гарови

Дунё ҳамжамиятида "Ўзбек модели" деб ном олган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўли "Обод турмуш йили"да яна бир бор синован ўтиб, ўзининг ижобий натижаларини берди. Буни мамлакат яли ички маҳсулоти ўсиш суръатларининг барқарорлиги ҳам кўрсатиб турибди.

Иқтисодиётдаги чуқур ислохотлар самарадорлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, sanoat, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилингани муҳим аҳамият касб этди. Энг муҳими, қонун устуворлигининг таъминлиши тараққиётимиз гарови бўлмоқда.

Навоий иқтисослаштирилган прокуратураси томонидан ҳам 2013 йилда "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат қорхонаси таркибидаги алоҳида муҳим, тоифаланган қорхона ва ташкилотларда, шунингдек, назоратдаги бошқа таъшилотларда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан прокурор назорати олиб борилиб, қонунийликни мустақкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш, қонунчилик тарғиботи борасида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти соҳасида 18 та текшириш ўтказилиб, қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича 21 та тақдим-

нома киритилди. Уларнинг кўриб чиқилиши натижасига кўра, 55 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. 10 нафар шахсга нисбатан интизомий, 19 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди. Комбинат манфаатларини кўзлаб, фуқаролик судига 14 та даъво аризаси киритилди. Шунингдек, комбинатга етказилган 8,826 минг сўм миқдордаги зарарнинг ихтиёрий равишда ундирилиши таъминланди. 4 та жиддий қонунбузилиши ҳолатлари бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, текширишлар жараёнида 115 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Хусусан, тўлов интизомига риоя қилиниши бўйича ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра, айрим фуқаролар НКМК томонидан олий ўқув юртиларига тахсил олинганлиги учун амалга оширилган тўловларни тўлаб бермаганлик ҳолатлари аниқланиб, уларга нисбатан фуқаролик судига даъво аризалари киритилди. Жумладан, фуқаро В.Дзвинский, уни кафиликка олган турмуш ўртоғи Р.Қабуллова ва "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат қорхонаси ўртасида шартнома тузилган. НКМК томонидан В.Дзвинский Томск политехника университетидан тахсил олиши учун тўлов амал-

га оширилган. Бироқ В.Дзвинский шартнома талабларини бажармай, кетган харажатларни ҳозирга қадар тўлаб бермаган. Иқтисослаштирилган прокуратура томонидан В.Дзвинский ва вафали Р.Қабулловалардан НКМК фойдасига жами 8 млн. 949 минг сўмни ундириш ҳақида қарорларик ишлари бўйича Кармана туманларо судига даъво аризаси киритилди ва даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилди.

НКМК тизимидаги қорхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни ва ушбу масалага оид ҳуқуқат қарорларининг ижроси, иш ўринлари яратишга доир дастурларнинг бажарилиши, коллеж ва лицей битирувчилари бандлигини таъминлашнинг аҳоли мутахассислар жалб қилинган ҳолда текширилганда, масъул мансабдор шахслар томонидан уч томонлама шартномалар тузилган ҳолда, коллеж битирувчиларини амалиётни ўтаган жойига эмас, балки бошқа объектларга ишга жойлаштириш учун юбориш ҳолатларига йўл қўйилганлиги натижасида мазкур битирувчилар ишларини рад қилганлиги ҳолатлари аниқланди. Чунончи, Жанубий кон бошқармаси, Навоий кончилик коллежи ва мазкур коллеж ўқувчиси Н.Музаффаров ўртасида шартнома тузилган. Шартнома талабларига кўра, Н.Музаффаров "Кетменчи" қорхонада амалиётни ўтаган бўлсада, ўқишни тамомлаган, Марказий кон бошқармасига ишга йўлланма берилган. Бу ҳолат битирувчининг қариндошлари

НКМКнинг ишга жойлаштиришга масъул шахслари харақатларидан норози бўлиб, турли давлат органларига шикоят қилишига сабаб бўлган. Шикоят кўриб чиқилиб, Н.Музаффаровнинг "Кетменчи" қорхонага электромонтёр вазифасига ишга қабул қилиниши таъминланди.

Прокуратура томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. НКМК тиббий санитария бўлимида ва унга қарашли тиббий санитария қисмларида ўтказилган назорат тадбирида кон бошқармалари томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишда ишларни маҳаллалар билан ҳамкорликда ташкил қилиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш соҳасида ҳамкорлик лозим даражада йўлга қўйилмаганлиги, турғуқ ёшидаги аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида НКМК давлат қорхонаси бошқарувида тақдимнома киритилди.

"Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан прокуратура томонидан доимий прокурорлик назорати ўрнатилган. Масалан, текшириш ўтказилган ҳар бир қорхона ёки ташкилотнинг асосий биносига қираверишига раҳбар ва ўринбосарининг қабул жадвали осиб қўйилди. Кириш залида фуқароларни қабул қилиш учун алоҳида хона

Нодирбек РАҲМОНОВ,
Навоий иқтисослаштирилган
прокурори

ташкил қилинди.

Иқтисослаштирилган прокуратурага 2013 йилда фуқаролар ва юридик шахслардан жами 122 та ариза ва шикоят келиб тушган бўлиб, улардан 87 таси бевосита прокуратура ходимлари томонидан ҳал қилиниб, 14 таси қаноатлантирилди. Муурожаатлар бўйича 1 та интизомий, 2 та маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. 4 та протест келтирилиб, 2 та тақдимнома киритилди. Жиддий қонунбузилиши ҳолати юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилди. Қўлланган прокурор назорати ҳужжатлари ва кўрилган чоралар натижасида 11 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди. Масалан, НКМК 3-сонли автоқорхона ходими С.Раҳмонов ва А.Жўраевлар билан тузилган меҳнат шартномалари иш берувчи томонидан асосий сиз бекор қилинганлиги ҳақидаги ариза юзасидан текшириш ўтказилиб, автоқорхона бошлигининг буйруқлари гайриқонуний эканлиги аниқланди ва протестлар келтирилди ҳамда уларнинг ишга тикланиши таъминланди.

"Соғлом бола йили"да амалга оширилгандаги вазифалар ўзининг қўламини жиҳатдан янада кенглиги билан ажралиб туради. Энг асосийси, ҳар бир ишда қонун устуворлигини, фуқаролар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш прокуратура органлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Иқтисодий манфаатлар доимий ҳимояда

Юртимиз фуқароларининг фаровон ҳаёт кечирishiларини таъминлашдек олижаноб максалларни кўзлаб ўтказилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти жадал суръатларда ривожланмоқда.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун ва қонунности ҳужжатлари, солиқ тўловларининг оптимал даражаларини жорий этиш борасидаги чора-тадбирлар иқтисодиётнинг жадал суръатларда ривожланишини таъминловчи муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарорига асосан, юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг кўйи ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга туширилди, чакана савдо қилувчи яқна тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси энг кам иш ҳақининг 2 баробаридан 0,5 бараварига камайтирилгани, уй шароитида халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқарадиган яқна тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий қорхоналарга белгиланган солиқ имтиёзлари 2017 йилнинг 1 январига асосан амал қилиши белгиланганлиги, қасанчиларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилиш 2019 йилнинг 1 январига узайтирилгани, шак-шубҳасиз, иқтисодиётимиз янада жадал суръатларда ривожланишини таъминлайди.

Ўтган йили бошқармаимиз томонидан Республика Бош прокуратураси ҳайъ-

ати, СВОЖДЛҚК департаментининг кенгайтирилган мажлислари қарорлари асосида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонун ва қонунности ҳужжатларига қатъий амал қилиниши таъминлаш, ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, солиқ базасини кенгайтириш, солиқ тўловларидан бўйин товлаш ҳолатларини, яширин иқтисодиётни фож этиш, тадбиркорлик фаолиятига қонуний тус бериш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Тадбиркорлик субъектларига қонуний ва амалий ёрдам кўрсатилиб, янги ва қўшимча иш ўринлари яратилди. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига пугур етказган, хизмат ваколатини суийестмол қилган ҳокимият, солиқ, банк, назорат идораларининг ходимлари ва мансабдор шахсларига нисбатан 103 та жиноят иши қўзғатилди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш борасида профилактика-тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Жойларда фуқаролар ва тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш юзасидан ишлар олиб бориляпти. Хусусан, Бувайда туманидаги "Холпошшо Камбархожи" фермер хўжалиги раҳбари А.Ақбаровга "Агро-банк" туман филиалидан қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олиш учун амалий ёрдам кўрсатилди. Ўзбекистон туманидаги "Кониээр мохир кўллари" хусусий қорхонаси раҳбари С.Мадраҳимовнинг муурожаати кўриб чиқилиб, тадбиркорга "Микрокредитбанк" Қўқон филиалидан 15 млн. сўм кредит ажратилиши таъминланди.

Одам савдоси билан шуғулланиш ҳолатлари ҳам аниқланиб, жиноий фаолиятларга барҳам берилди. Чунончи, фуқаролар Ю.Ибайдуллаева ва Н.Исмо-

иловнинг аризалари асосида ўтказилган тадбирда қизларни Туркияга фоҳишахонага жўнатмоқчи бўлган, одам савдоси жиноятига қўл урган Д.Имомсодиқова, Х.Ҳақимова, Д.Алиева, А.Раҳмонов ва С.Сапаевлар қўлга олинди, жиноий жавобгарликка тортилди.

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига — касб-хунар коллежларига жалб этиш жараёнида тамағирлик, таълим муассасаларида бюджет маблағларининг ўзлаштирилиши ва бошқа суийестмолчилик ҳолатлари фож этилиб, 36 та жиноят иши қўзғатилди. Соғлиқни сақлаш тизимида қонунбузилиши ҳолатларига, бюджет маблағларининг талон-тороқ қилиниши, дори-дармон воситаларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомаласига кириши билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш чоралари кўрилиб, 20 та қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди ва жазо муқарарлиги таъминланди. Инвестиция дастурларининг белгиланган муддатларда ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича қурилишларда қонунбузилиши ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш билан бирга, коммунал тўловлар бўйича нореле қарздорликни аҳоли ҳисобидан ундириш борасидаги қонунбузилишларни аниқлаш чоралари кўрилди.

Ўтказилган тадбирлар жараёнида, 16 та ҳолатда яширин ишлаб чиқариш билан шуғулланган шахслар аниқланиб, уларнинг фаолиятига қонуний тус бериш борасидаги тарғибот тадбирлари натижасида 6 та юридик, 10 та яқна тартибдаги тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилиб, 25 та янги иш ўринлари яратилди.

Хўжалик юритувчи қорхоналар фео-

Равайн РАҲМАТОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Фаргона
вилоят бошқармаси бошлиғи вази фасини
бажарувчи

лиятларини текшириш миқдори 2012 йилга нисбатан 27 тага камайгани ҳолда, самарадорлиги ошди. Бюджетга 23,4 млрд. сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиб, 10,4 млрд. сўмининг ундирилиши таъминланди.

Бошқармада мавжуд маълумотлар базасидан унумли фойдаланиш ва маълумотлар айирбошлаш натижасида 93 та солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасдан бўйин товлаш жиноятлари фож этилди. Хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш, истеъмолчиларга сифатсиз маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш бўйича ўтказилган тадбирларда 42 та яширин ишлаб чиқариш фаолиятларига барҳам берилди.

Қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олишининг самарали воситаларидан бири — тарғибот тадбирлари мунтазам равишда ўтказилмоқда. Ўтган йили маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган, фуқаро ва тадбиркорлар иштирок этган учрашув ва йиғилишларда фаолият қўрсатаётган ҳамда янгидан иш бошлаш ниятида бўлган ишбилармонларга қонунчиликда белгиланган имтиёз ва яратилган шарт-шароитлар, солиқ тўловлари борасидаги имтиёзлар, солиқ тўловлари мамлакатимиз тараққиётга, тинч-тотув, фаровон ҳаёт омилларини яратишга йўналтирилаётгани ҳақида батафсил тушунчалар берилди. Зеро, солиқ тўловлари юрт равнақида хизмат қилишини англаган ҳар бир тадбиркор, ҳар бир фуқаро бир борадаги мажбуриятини сўзсиз адо этади. Шу орқали улар юртимиз тараққиётга ўз хиссасини қўшади.

Миллий қонунчилик давр талабига мувофиқлаштирилмоқда

Маълумки, 2013 йил 12-13 декабрь кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи яли мажлисида бир қатор қонунлар кўриб чиқилиб, маълумланди. 2014 йил 20 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳам ана шундай муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар.

Олий Мажлис Сенатининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг бир гуруҳ аъзолари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати ушбу қонуннинг давлат ва жамият ҳаётида тугган ўрни ва аҳамиятига бағишланди. Қуйида давра суҳбати тафсиоли билан танишасиз.

Светлана Артикова — Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси:

— Суҳбатимиз мавзусидан келиб чиққан ҳолда, аввало, юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштиришда қонун устуворлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ишлари изчиллик билан давом эттирилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Буни тараққиётимизда янги босқични бошлаб берган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган берилган вазифаларни амалга ошириш борасида ўтган уч йилдан ортиқ вақт

давомида бир қатор янги қонунлар қабул қилиниши билан биргаликда амалдаги қонунларга замон талабларини инобатга олган ҳолда муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб борилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам айнан миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш, уни умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш йўлидаги навбатдаги ҳужжатдир. Эътиборли жихати шундаки, мазкур Қонун билан 25 та қонун ҳужжати, шу жумладан, 17 та қонун, 7 та кодекс, битта Олий Мажлис қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Эркин Рўзметов — Сенатнинг

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор:

— Мазкур қонуннинг эътиборга молик жихатлари кўп. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар натижасида суд ҳокимияти инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган мустақил давлат институти сифатида ўзини тобора кенгрок намоён этиб, одил судловни амалга оширишга қодир суд ҳокимияти сифатида тўлиқ шаклланди.

Маълумки, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш масалалари давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида доимо мамлакатимиз раҳбариятининг эътиборидадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари суд тизимининг самарали фаолиятини таъминлашга қўмаклашувчи муҳим амалий қадамлар бўлди. Ушбу фармонларда белгиланган талабларни рўёб-

га чиқариш мақсадида мазкур Қонун билан "Судлар тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонунларга ҳамда Меҳнат ва Солиқ кодексларига суд тизимининг фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, судьялик лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар кучайтирилди. Хусусан, судьялик лавозимига номзодларнинг ёш бўйича талаби йигирма беш ёшдан ўттиз ёшгача, юридик соҳада иш стажы бўйича талаби, юридик ихтисослиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳўжалик суди судьяси бўлиши учун амалдаги уч йилдан беш йилга, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси бўлиши учун амалдаги беш йилдан етти йилга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди судьяси бўлиши учун амалдаги етти йилдан 10 йилга кўтарилди.

/Давоми 7-бетда/

Инсонпарварлик тамойилларига таяниб...

Истиқлолнинг мак йилларида ноқ мамлакатимизда инсон омилига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан то қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар, амалга таъбиқ қилинаётган ислохотларгача, барча-барчаси замирида инсон, унинг бахтли ва фаровон, тинч ва оёсайиша турмуш кечиршини кафолатлашдай улуғвор ва эзгу мақсад муҳассам. Мустақиллик йилларида қабул қилинган 23 та амнистия актини ҳам инсонпарварлик, бағрикенглик ифодаси сифатида баҳолаш мумкин.

Шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Шу маънода, жиноят содир этган шахсларга нисбатан кечиримли бўлиш ҳамда уларни тўғри йўлга бошлаш инсонпарварлик тамойилларига асосланган давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан саналиши бежиз эмас. Зеро, кечиримлилик инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим мезон ҳисобланади. Унинг замирида берилган имкониятдан фойдаланиб, ҳаётини тўғри йўлга қўйишга интилиш, озодликдан шукроналик, келажакка ишонч туйғулари акс этиб турибди. Бағрикенглик, билмай хато қилганини ёки қилмишидан пушаймон бўлганини кечирши, бундайларга яна имкон бериш халқимизга хос фазилатдир.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган амнистия тўғрисидаги қарорлардан кўзланган мақсад билмай-билмай жиноят йўлига кириб қолган шахсларни жазодан озод этиш орқали қайта тарбиялаш, уларни соғлом фикр, ян-

гича қарашлар билан жамиятга қайтаришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори ҳам мамлакатимизда инсонпарварлик тамойиллари асосида ҳар бир фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилётганига ёрқин мисолдир. Ушбу қарорга мувофиқ, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлат фуқароларининг жазодан озод қилиниши нафақат демократик жамиятнинг устувор белгилари, балки халқимизга хос бўлган бағрикенглик, мурувват ва инсонпарварлик каби фазилатларни ҳам ифодалади.

Шу ўринда яна бир масала хусусида тўхталиб ўтиш мақсада мувофиқ бўлса керак. Мамлакатимизда амнистия акти фақат кечирши учунгина қўлланилмайди. Аникроқ қилиб айтганда бўлса, ҳеч қачон "Сени кечирдим, бўлди кетавер" қабилида иш қўрилмайди. Ушбу жараёнда

жазодан озод этилган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва жамиятга қўнқитиришга эришиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, жиноят учун жазони ўтаган ва озод этилган шахснинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган.

"Қамалиб чиққан" деган тамга билан яшаш, "оёққа туриш", ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш осон эмас. Бундай ҳолат дунёнинг барча давлатларида кузатилади. Бизда, улардан фарқи ўлароқ, амнистия актига асосан, жазодан озод этилган шахсларга алоҳида гамхўрлик кўрсатилади. Бундан кўзланган мақсад уларни жамиятга мослаштириш, нормал ҳаётни бошлаш ва умумэтироф этилган кадрятлардан фойдаланишда бундай шахсларга ёрдам кўрсатиш ва қайта жиноят йўлига кирмасликларининг олдини олишдир. Бунинг учун мамлакатимизда зарур ҳуқуқий база ҳам яратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги Қарори билан "Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий маиший жиҳатдан ва ишга жойлаштишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимлар ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисида"ги Низом тасдиқланган. Ушбу қарор асосида ташкил қилинган махсус комиссиялар тарқибига ижтимоий мослашув маркалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, меҳнат,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, касабга уюшмалари, ёшлар ва бошқа жамоат бирлашмалари ҳамда меҳнат жамоалари вакиллари киритилиши, у камида олти кишидан иборат бўлиши масаланинг ижобий хал қилинишида муҳим аҳамият касб этади. Демак, жазодан озод этилган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш учун барча шароитлар яратилган.

Жазодан озод этилган шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш ҳам ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Тиббий кўрик, авваломбор, бундай шахсларнинг соғлими ҳолатини аниқлаш ва уларга тегишли тиббий ёрдам кўрсатиш, қолаверса, улар томонидан юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Маълумки, жазодан озод қилинган шахслар орасида сил (туберкулез) касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахслар ҳам учрайди. Шу вақтга қадар амнистия акти асосида жазодан озод қилинган 1- ва 2-гуруҳ диспансер рўйхатидаги сил касаллигига чалинган шахсларни мажбурий даволаш бўйича аниқ қонун нормасининг мавжуд эмаслиги бу тоифадаги шахсларни даволаш ва бошқаларни ҳам унинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишда қийинчиликлар тугдирар эди. 2013 йил 30 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, "Аҳолини сил

Шухрат ҲИҚМАТОВ,
Хоразми вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги амалдаги Қонунга тегишли қўшимчалар киритилиб, унга сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган, тиббий текширувдан ёки даволанишдан бўйин товлаётган шахсларни муолажа қилиш, бу тоифадаги шахсларни сил касаллигига қарши кураш мақсада сининг ихтисослаштирилган бўлимига суднинг ҳал қилув қарори асосида ётқизиш тартиби тўғрисидаги меъёрлар киритилди. Шу сабабли юқорида тилга олинган амнистия актини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 21-бандида Ички ишлар вазирлигига Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда амнистия акти асосида жазодан озод қилинган 1- ва 2-гуруҳ диспансер рўйхатидаги сил касаллигига чалинган шахсларнинг ҳисобга олиниши ва махсус даволаш мақсадаларига юборилиши таъминлашга доир вазифалар юклатилди. Тиббиёт ходимларининг ушбу масалага масъулият билан ёндашувлари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этиши аниқ.

Мухтасар қилиб айтганда, халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик, меҳр-мурувват каби хислатларни муҳассам этган амнистия акти ижросини таъминлаш масаласида ҳам мутасаддилар масъулиятини ошириш зарур. Зеро, ҳар қандай қарор ижроси билан кучлидир.

Истиқлол ва Навоий



/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Шунда мен бир савол берганимда, кўнгилдагидек жавоб ололмадим.

Нима учун Навоийни яхши билмаймиз? Ўзбекистонда ўзини ўзбек деган, нафақат ўзбек, ўзбек тилини биладиган маҳаллий миллат вакили бўлган одам Навоийни севиши, севишгана эмас, уни юрак тўрида сақлаб ардоқлаш лозим.

Оғир кунларда, айтилмай, Навоий меросига суняниш, ундан мадад топиш ҳаммамиз учун керак.

Мен: "Нима учун Навоий шеърларини мактабларда ўргатишда тегишли имконият етишмаяпти?" — деб сўрадим. Жавоб чиқмади.

Навоий асарларини ўқиб тушунадиган болаларни тарбиялашда нега оқсаямиз?

...Мана шу масала, шу муаммони ечишда менга ёрдам берсангизлар, сизлардан бундан ҳам кўра кўпроқ миннатдор бўлар эдим.

Мен қаерда Алишер Навоий шеърларини биладиган одамни кўрсам, ҳавасим келарди.

Шу нуқтага назардан қараганда, шоир шеърларини эшитганда одам завқланиб кетди-ю, лекин ўзининг заифлигини тушунадики, Алишер Навоий у ёқда турсин, у кишидан олдин ўтган аждодларимизни ҳам ўқиб, тушунишга ожизмиз.

Гапим тўғрими? Яъни биз бормиз, улуг, бекиёс, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган мерос бор-у, шу мерос ёнимизда ётибди-ю, шу меросдан баҳраманд бўлиш кўлимиздан келмайди".

Бу қимматли фикрлар амалда олимларимизнинг Навоийга муносабатини янада теранлаштиради, ҳаммамизни, хусусан,

ёшларимизни бу улуг шоир бой меросидан баҳрамандликка давлат этади.

2001 йили халқимиз башарият ақл-тафаккури ва бадиият олами қаҳшонидаги улуг зот, ўзбек халқининг буюк мутафаккири Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 560 йиллик муборока тўйини нишонлади. Асосий тантаналар шоир номи билан аталган шаҳарда бўлиб ўтди.

Бағри бутун халқ байрам қилади. Бағри бутун халқ деган ифода замирида эса олам-олам маъно ётибди. Бунинг учун, аввало, халқнинг эрки ўз кўлида бўлиши керак. Ана шунда у ўз меросига эга чиқа олади, минг-миг йиллик тарихи билан бугунини мустақкам ришталар орқали боғлаб, келажак сари дадил қадамлар ташлайди. Тарих — битмас-туғмас харита. Халқ ўтмишдан куч-қувват, салоҳият, ақл-заковат излайди ва топади.

Шоир тўйинга бағишлаган тантаналар ҳар қимни, аввало, шулар ҳақида ўйлашга ундайди.

Бу байрам иштирокчиси камидан тўрт муҳим жиҳатнинг гувоҳи бўлган.

Биринчиси шуки, Навоий шаҳрида 103 гектарлик янги ажойиб бог барпо этилди. У ерда шоирнинг мухташам ҳайкали тикланди. Унинг саҳнида амфитеатр қурилди. Бу маскан ажойиб байрамлар, маънавий-маърифий анжуманлар ўтказиладиган майдонга айлантирилди.

Мир Алишер Навоий қурдирган кўплаб масжид, мадраса, хонақоҳ, рабат, кўприк, беморхона, ҳовуз ва ҳаммомлар, барпо этган бог-роғлар унинг замонаси буюк бунёдкорларидан бири бўлганини кўрсатади. Навоий шаҳрида бу боғнинг бунёд этилиши, ана шу тантаналар муносабати билан, умуман, шаҳарда амалга оширилган улкан ободончилик ва таъмирлаш ишларида халқ худди ўша замонлардагидек

ҳашарга чиқди ва шу тариқа ўз меҳнати билан амалда улуг Навоийга чексиз хурматини ифодалади.

Иккинчи жиҳат шундан иборатки, ана шу боғнинг тантанали очилиши маросимида мухтарам Президентимиз Ислам Каримов нутқ сўзлади. Навоий ҳазрат инсоннинг инсондай яшашини орзу қилгани ва шунинг учун бўйи тарғиб этганини айтиб: "Биз ҳам шунини истаймиз. Бу йўлда кўлимиздан келган барча ишчи қилишга тайёрмиз. Одам дунёга келиб, бахтли яшашни, яйраб-яшнашни, ўз меҳнатидан завқланишни, инсондай дам олишни, бог-роғлардан баҳра топиши керак", — деди.

Халққа хизмат қилиш шоир ҳаёти ва ижодининг бош гоёяси эди. Президентимиз таъкидлаганидек: "Агар шоир асарларини варақласак, деярли ҳар саҳифасида халқ, эл, улус, юрт, райят деган сўзларнинг меҳр, мурувват, оқибат, саховат, садоқат сўзлари билан узвий боғланиб кетганини кўраемиз".

Ана шу тантанани Абдулла Орипов, Зебуниссо Эсонова, Ҳамид Мавлонов, Наталья Пановаларнинг чиқишлари Навоийнинг буюклиги, унинг тарихимизда, бугунимизда ва келажакимиздаги ўрни ҳақида тасаввурларимизни ёрқинлаштирди.

Учинчи муҳим жиҳат шуки, шаҳардаги шоир қўрамоғи номи билан аталадиган мухташам "Фарҳод" маданият саройида "Алишер Навоий ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти" мавзюида илмий анжуман бўлиб ўтди. Олимларимиз Навоий меросининг турли қирраларини ёритадиган маърузалар қилди.

Тўртинчи нарса шуки, ўша кунни кечкурун Навоий ҳайкали пойидаги амфитеатрда вилоят санъат усталарининг концерти берилди. Унда вилоят аҳли вакиллари қатнашди.

Хуллас, шоир таваллудининг 560 йиллиги тантанала-

ри яқун топар экан, қатнашчилар кўнглидан: "Навоийликлар ўз вилоят ва шаҳарларини шоир номига мос равишда гуллаб-яшнашига қодир", деган фикр кечди. Чунки инсондай яшашга бел боғлаган халқ, албатта, ниятига етади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида Алишер Навоий мероси "маънавиятнинг шакллантирадиган асосий механизми" қатори алоҳида тилга олинади, жумладан, мана бундай юксак баҳо берилади: "Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони-дир".

Юртбошимиз шу асарда Навоий меросини ўрганишининг аҳамиятини ҳам кўрсатиб беради: "Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўлаемиз".

Мамлакатимизда буюк шоир таваллудининг 570 йиллиги ҳам кенг нишонланган эди. 2011 йилнинг 28 сентябрида Тошкентда шу сана муносабати билан "Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти" мавзюида халқаро илмий-назарий анжуман ўтказилди.

Айнан мустақиллик йилларида Москва (2002 йилнинг 27 ноябрида), Токио (2004 йилнинг 26 мартда), Боку (2008 йилнинг 11 сентябрида) шаҳарларида улуг бобомиз ҳайкали қад ростланди.

Хулоса қиладиган бўлсак, бу улуг шоиримизга муносабатимиз йил сайин кучайиб борапти. Бунинг жойларда ўтказилаётган навоийхонлик тadbирлари кўлами ва даражасидан ҳам билиш мумкин.

Навоий шаҳрида ўзбек тилининг асосчиси, улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий маънавий меросида қомил инсон тарбияси мавзусига бағишланган анъанавий республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Мутафаккир асарларида қомил инсон тарбияси

Тadbир Республикаси Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидagi Тил ва адабиёт институти ва бошқа бир қатор илм даргоҳлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда миллий анъана ва кадриятларимизни асраб-авайлаш, тиклаш, адабиётимизни ривожлантириш, навқирон авлоднинг дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган инсонлар этиб қамолга етказиш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади экани таъкидланди.

Мустақиллик йилларида буюк аждодларимизга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод қилиш, илмий-маънавий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Буюк аждодимиз Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллиги ҳамда «Соғлом бола йили»га бағишланган анжуманда сўзга чиққан навоийшунос олимлар барқамол фарзандларни тарбиялашда шоир ижодининг ўрнига алоҳида тўхта-

либ ўтишди. Мутафаккир қаламига мансуб асарларнинг ҳар бир сатрида маърифат, маънавият, инсонни улуғлаш асосий ўрин тутганини нотиклар томонидан таъкидланди. Унинг асарлари дунёга келганига беш асрдан зиёд вақт бўлган бўлса-да, бугунги кунда ҳам бутун дунё Навоийни ўқиб, унинг асарларини маънавий қомилликка эришишда асосий манба сифатида эътироф этади. Шоир асарларида улугланган эзгу гоёларнинг бардавомлиги мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинган жорий йилда халқимизнинг фаровонлигини ошириш, соғлом ва барқамол авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларни кўллаб-қувватлаш, ота-онани эъзозлаш, ёшларга янада кўпроқ эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш сингари ибратли ишларда ўз ифодасини топмоқда.

Тadbирда ёшлар томонидан намойиш этилган саҳна кўринишлари, бадиий чиқишлар ҳамда шоир газалларидан намуналар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз

Буюк шоир ҳикматлари

Тил ширинлиги — кўнгила ёқимлидир, мулоҳимлиги эса — фойдали. Чучук тил аччиққа айланса, кўнчилиқка зарари тегади, қандан май тайёрланса ҳаром бўлади. Ширин сўз соф кўнгила учун асал каби тоғлидир, болалар учун мулоҳим табиатли одам — халвофуруш каби сеvimлидир.

Ақли одам ёлгон гапирмас, аммо, барча рост гапни айтаверши ҳам тўғри эмас. Бировнинг кўзи йилан — ноғирондир, аммо, бунга у айдоғ эмасдир... Бировни ноҳақ ҳижолатга солмоқ — ўз нодонлигини изҳор қилмоқ ва бир кўнглини оғришмоқдир. Бу каби кишини хафа қиладиган чин сўздан қўра зарурат эмасидан — ўрни билан гапирилган ёлгон яхшироқдир.

Кимки, ёлгон сўзни бировага тўнкагай, ўз қора юзини ёғга булайди. Озгина ёлгон ҳам улуг гуноҳдир, озгина заҳар ҳам ҳалок қилувчидир.

У ердан бу ерга гап ташувчилар элнинг гуноҳини ўз бўйига олувчилардир. Чақимчилик ҳатто чин гап бўлса ҳам кўнглини оғриқ, ёлгон бўлса янада нафратлидир. Сўз етказувчининг хоҳ қатмаси, хоҳ қичи — дўзах ўтининг тутантуруғи бил.

Ёлгончи одам — унутувчи, у андиша ва ҳэтиётдан четда турувчи. Ҳар қилмининг сўзи чин бўлмаса, ростўйлар кўнгила у сўз қабул бўлмас. Ёлгончи ўзининг ёлгон сўзига бир-икки марта ишонтиради, кейин нима қилади? Ёлгончилици маълум бўлганда, у расво бўлади, унинг сўзига халқ ишончи йўқолади. Кўнгила ҳазинасининг қулфи — тил, у ҳазинанинг қалитини — сўз бил.

Очиқ чехрали одам — иккиозамаччиликке нуқсондан йироқ бўлади... Очиқ юзидан ҳалолиққа ҳурсандик; чучук сўздан эл-юрта ҳуррамлик. Одамийлик билан кўнгила-ларда сеvimли; инсонийлик билан жонларга ёқимли. Ундан дўст-душман хотиржам. Бундай киши умридан барака тоғай.

Душман алдовига учма, маддоҳ ҳушомидин чин дема. Душманнинг қирази ўз ёмон ниятига етмоқдир; мақтовчининг мақсади — хорлик билан сендан инъом олмақдир. Агар иккаласиза илтифот қилмасанг ва қабул қилишни лозим билмасанг, бири ўз мақсадининг ижросидан тўхтамайди ва тadbир мужжал бўлади ва иккинчисининг мақтовини хажга айланади.

«Маҳбуб ул-қулубдин»

Миллий қонунчилик давр талабига мувофиқлаштирилмоқда

/Давоми. Бошланishi 5-бетда/

Шунингдек, судьялик лавозимига биринчи марта тайинланган номзодлар захирасида турган шахслар белгиланган тартибда ўқиши ва стажировкани ўташи шартлиги киритилди ҳамда ўқув ва стажировкани ўташ даврида уларнинг асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ўз меҳнат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши белгиланди.

Бундан ташқари, судьяларга уларнинг ваколатлари туганидан кейин улар судьялик лавозимига сайланганга ёки тайинланганга қадар эгзалла турган аввалги иши (лавозими) берилиши, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилиши белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, умумий юрисдикция судларининг ва ҳўжалик судларининг судьялари хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган даромадлари бўйича жисмоний шахслардан олинган даромад солигидан озод этилди.

Киритилган ушбу ўзгариш ва қўшимчалар суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайёрлашнинг самарали тизимини яратишга, шунингдек, судьяларнинг ижтимоий кафолатларини кучайтиришга қаратилганлиги билан фойда аҳамиятлидир.

Светлана Артикава: — Шу ўринда мазкур Қонун билан "Сийёсий партиялар тўғрисида"ги Қонунга сиёсий партияларнинг маҳаллий ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишдаги роли ва ўрнини янада мустаҳкамлашга, сайловдаги платформасини ва дастурий максдаларини бажаришда уларнинг фаоллигини янада кучайтиришга, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини амалга оширишда уларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган ўзгаришлар киритилганини алоҳида қайд этиш хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳларини ташкил этиш, туғатиш шартлари ва тартиби белгиланди. Шунингдек, партия гуруҳларига амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда, тегишли вакиллик органларининг нафақат кўмиталари ёки комиссиялари раислигига, балки шу билан бирга, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар юзасидан тақлифлар киритиш, тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини сессияларда эшитиш ҳақида тақлифлар киритиш каби қўшимча ваколатлар берилди. Бунда қарор депутатларнинг яримдан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирда қабул қилинади. Энг муҳими, партия гуруҳларининг тақлифлари ҳокимиятнинг вакиллик органи томонидан, албатта, қўриб чиқилиши шартлиги белгиланди. Киритилган ўзгаришлар тегишли вакиллик органларидаги партия гуруҳларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтиришга, улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунга киритилган қўшимчага мувофиқ, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзод этиб фуқаролар орасидан мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, тегишли вилоят, туман, шаҳар иқтисодиётини ривожлантиришда фаол иштирок этаятган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, фер-

мерлик ҳаракатининг самарадорлигини оширишга қўмақлашган шахслар кўрсатилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини 155¹, 155²-моддалар билан тўлдирилди. Уларга кўра тайёрланган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаганлик учун, шунингдек, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Бунда ушбу жиноятни содир этган шахс, агар у террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида била туриб ўқувдан ўтганлиги тўғрисида ҳокимият органларига ижтимоий равишда хабар қилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгиланди. Киритилган қўшимчалар терроризмга қарши курашиш чораларини таъминлаш, тайёрланган ёки содир этилган террорчилик хусусиятига эга жиноят тўғрисида хабар бермаган шахсларга жиноий жавобгарлик чораларини қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Холбой Ибраимов — Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси, Навоий Давлат педагогика институти ректори:

— Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш стратегияси қўлай инвестициявий муҳитни шакллантириш ва чет эл инвестициялари ҳажмини оширишда ҳал қилувчи омил бўлди. Шу муносабат билан тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги, "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги, "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонунларга ҳамда Солиқ кодексига ўзгаришлар киритилди. Жумладан, "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг давлат рўйхатидан ўтиш жараёнини енгиллаштириш мақсадида давлат рўйхатига олиш, шунингдек, зарур рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тегишли давлат органи томонидан "бир дарча" принципи бўйича амалга оширилиши белгиланди. Шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган, чет эллик инвесторнинг пул шаклидаги ҳиссаси камидан 5 миллион АҚШ долларидан иборат бўлган корхоналар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўзгарган тақдирда, улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ўн йил мубайнида улар давлат рўйхатига олинган санада амал қилиб турган, рўйхат ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга доир нормалар ҳамда қоидаларни қўллашга ҳақлиги белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, чет эллик инвесторлар — жисмоний шахслар, чет эллик инвесторлар — юридик шахсларнинг мансабдор шахслари чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда ўз улушлари (ҳиссалари, акциялари) мавжуд бўлган бутун даврда тегишли кўп марталик визалар олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиш ва унда қолиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланди. Шу билан бирга, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимия-

ти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, банклар томонидан чет эллик инвесторларнинг ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча талаб ва чекловлар белгиланиши тақиқланди.

"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонунга киритилган қўшимчалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қўшимчаларга мувофиқ, юқори замонавий технологияларни жалб этиш ва юқори технология ишлаб чиқаришларни ривожлантиришни таъминловчи устувор тармоқларга инвестициялар киритилганда чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари берилади, шунингдек, қўшимча кафолатлар ва ҳимоя қилиш чораларининг бир тури сифатида, зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари бюджет маблағлари ва бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан таъминланади.

Ушбу ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимиз иқтисодиётига, айниқса, саноатнинг юқори технология тармоқларига чет эл инвестицияларини фаолроқ жалб этишга, мамлакатимизда инвестиция муҳитини такомиллаштиришга, Ўзбекистон ҳудудида чет эллик инвесторлар фаолияти учун қўлайроқ шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Насриддин Садритдинов — Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Наманган вилоят бўлими бошқаруви раиси:

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахрири қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ер кодекси ва Уй-жой кодекси, "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунга уларнинг нормаларини қабул қилинган Қонунга мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгаришлар киритилди. Масалан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахририда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида маъмурий комиссияларнинг тузилиши назарда тутилмаганлиги сабабли Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 242, 243-моддаларига тегишли тузатишлар киритилди ва 246-модда чиқариб ташланди.

Икром Каратаев — Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси, Сайхунобод туманидаги "Коратой Мирзаев" фермер хўжалиги раҳбари:

— Ер кодексининг 84-моддасида ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида амалга ошириши белгилаб қўйилди. Шунингдек, қонун ҳужжатларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ерларни бериш ва уларни олиб қўйиш бўйича ваколатлар берилмаганлиги сабабли Ер кодексининг 85-моддасининг бешинчи хатбошидан "ҳамда посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига" сўзлари чиқариб ташланди.

Уй-жой кодексининг 6-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасида коммунал хизмат қўрастувчи ташкилотлар томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда



ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг, етим болаларнинг, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, табиий офатлардан ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан жабрланган фуқароларнинг уй-жой, машина шариоитларини яхшилаш тўғрисида тегишли давлат органларига тақлифлар киритиш ваколатлари белгилаб қўйилди.

Эркин Рўзметов: — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони талабларини рўёбга чиқариш мақсадида туғатилган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг вазифа ва функциялари янги ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасига ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги, "Ҳўжалик ширкатлари тўғрисида"ги, "Масъулият чекланган ҳамда қўшимча масъулият жамятлар тўғрисида"ги, "Қимматли қозғалар бозори тўғрисида"ги ва "Рақобат тўғрисида"ги Қонунларига тахририй тузатишлар киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига киритилган ўзгаришга кўра, янги ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ва унинг ҳудудий органлари ушбу кўмига зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга бериладиган давлолар ва аризалар юзасидан давлат божини тўлашдан озод қилинди.

Светлана Артикава: — Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонун билан юқорида қайд этилган қонун ҳужжатларига киритилган муҳим ўзгариш ва қўшимчалар миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиришда уни халқроқ ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришда ҳамда пировардида фуқароларимизнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлашда, шубҳасиз, мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Сўбатни муҳбиримиз
Дилмурод ЭШМУРДОВ ёзди

Гапирай десам ёлғизим — гапирмасам...

"Ҳақиқат, сен мендан сўраниб, дунёга келмадинг. Сени менга Аллоҳ берди! Унинг каромати ила сени тўққиз ой бағримда кўтариб, дунёга келтирдим. Сенинг туғилишинг менга **Оналик** бахтини берди. Сенинг учун ўтказган белор тунларим, йўларингни поймаган кунларим — оналигимнинг сен учун беминнат дақиқалари эди. **Ўғлим!** Менинг половон ўғилчам! Агар худди мана шу сабаблар сенинг тақдирингни ҳал қилиш учун менга изн берса эди... Мен шундай қилишим керак! Сен мен учун гапирай десам ёлғизим, гапирмасам ямағизим бўладинг... Фақат мендан рози бўл! Кечир... Ёмон бўлсанг ҳам менинг фарзандим — дилбандимсан!"

Она кўлида бешикни, у билан бирга, оламни тебратишга қодир хилкат... У умрининг сўнгги кунига қадар фарзанди учун қайғурувчи, меҳрибон зот. Унинг қалбига кўз очган меҳр булуги кўёш каби иссиқ, туганмас. Минг афсуски, таърифи осмон Онанинг меҳри қаҳрга айланмасин экан...

Ёши 80 га яқинлашиб қолган она яқинда қамалиб чиққан ўғлининг кунда-кунора ичиб келиши, арзиманган нарсалар устидан жанжал чиқараверишидан чарчади. Инсофга келиб қолар, дея сабр қилгани сари ўғлининг қилиқлари ҳаддидан ошиб кетаверди. Қариган чоғида фарзандлари эъзозидан аяшар ўрнига хурмача қилиқ ўғлининг қалтакларига дош бериб, кун кўриши унинг жонидан ўтиб кетди. Деярли ҳар кун ичиб келиб, қаршидаги инсоннинг ким эканлигини бутунлай унутган ўғлининг кўтарилган қўллари ўзини инсофга чакирган Онане уришни одат қилди. Она эса қалбини ўртаётган аламларини уятдан ичига ютди. Айниқса, Норқўзи (исм-фамилиялар ўзгартирилган) уйга ичиб келиб, укасининг хотини Дилрозга тегажоглик қилар, бу ҳол эса бир неча йиллардан бери такрорланиб турарди. Дилрознинг эри Норғул акаси Норқўзини бир неча бор қалтаклади, оғохлантирди ҳам. Бироқ, у ишда вақтларида бу ҳол давом этаверарди. Ана шундай пайларда унинг қилигидан орланган она ҳар доимгидек ўғлини тартибга чакирар, кучи етганча уни урар, бир амаллаб улаштишга ҳаракат қиларди. Аммо, ичкиликдан ақлини йўқотган ўғил кутурганча онаси Тугун момага ҳам беадаб ташланиб қоларди...

Бир неча бор қамалиб чиққан Норқўзи бу сафар ҳам озодликнинг, ёлғиз онасининг, ака-укаларининг қадрига етма-

ди. Умрининг айна жўшқин палласи қамоқ ортида ўтишида, гўё ака-укаси, онасини айбдор билар, улардан аламзададек яшарди. Ҳаётини тўғри йўлга солиб оила қуриш, қолган умрини тинч ва осуда ўтказиш ўрнига тинимсиз равишда ичкиликка берилди. Аввалига уйдаги бор майда-чуйда, кейинчалик укасининг хотинига тегишли нарсаларни ҳам кези келса ўғричман, кези келса дўқ-пўписа, зўрлик билан олиб чиқиб сотар, эвазига маст бўлиб уйга қайтар эди.

"Агар онамга қўл кўтарсанг, аяб ўтирмайман", дея акаси Норқўзи Синоевнинг берган оғохлантириш ва дўқ-пўписалари Норқўзи учун аллақачон одатий танбеҳга айланган эди...

Тугун мома меҳр бериб ўстирган бемеҳр фарзандини қайта тарбиялай олмади. Қачон ва қаерда хато қилгани, ахвол нега бу даражага етиб келганининг сабабини муҳокама қилиб ўтиришдан фойда йўқлигини маъқул кўрдими, ҳар ҳолда мома бир қарорга келди. У тўнғич ва кенжа ўғиллари Шерқўзи ва Норғулларнинг ишдан келар вақтини сабр билан кутди.

...Эл-юрт олдида укасининг қилмишларидан бошлари эгилиб яшаб келган ака-укалар 2006 йилнинг охиридаги онанинг топшириғи билан ўзлари яшаб турган ҳовли-уйни момонинг узоқроқ қариндошига сотиб, вилоятнинг бошқа туманларидан бирига кўчиб кетишди. Она ва иккала ўғил ўртасида қандай қарор муҳокама қилинган ва қандай тўхтама қелинганни ҳеч ким билмади. Бироқ, онанинг қолган эъзоларинингизна қизиқтирган "Норқўзи қаёққа кетди?", деган саволга қисқа жавоб берилди: "У ишлаш учун Россияга жўнаб кетди". Гўё шундай бўлгани ростдек, бу жавоб ҳеч кимни ҳайрон қолдирмади. Қайтага, жанжаллардан тинчиганларига



шукр қилиб, бепарво яшаб юришди.

Она ва болалар ўртасидаги сирга гувоҳ бўлган кулбасифат ҳовли жуда эскилиги туфайли унинг янги эгаси Х.Ширинов уйни бузиб, қайтадан қурди. Лекин шу уйга кўчиб келишганидан буён ҳали ўзи, ҳали болалари кетма-кет касал бўла бошлашди. Бу ҳол кучайгандан кучаяверган, кўча-қўйдан бунинг сабабларига тааллуқли турли миш-мишлар тарқала бошлади. Эмишки, ака-укалар Шерқўзи ва Норғул Норқўзини ўлдириб, хожатхонага қўмиб ташлашган. Ҳақим Ширинов миш-мишлардан уларнинг хабари бор-йўқлиги ва бундай гапнинг тарқалишига нима сабаб эканлигини билиш мақсадида момонинг олдига боришга қарор қилди.

"Норқўзи... ёмон бўлган бўлса ҳам у менинг болам... Миш-мишларда айтилгани каби иш қилмаганми... Унинг ўлиmidан кейин муллани олиб бориб, жаноза ўқитганми. У Шарғунга қўмилган". Қариндоши Тугун момодан эшитган гаплари Ҳақим ақанинг кўнглига биров таскин бергандек бўлди. Бироқ, бу таскиннинг таъсири узоқ бўлмади. Бир неча йил аввал Шерқўзининг уйдан чиқиб кетган қизини кўчада учратиб қолган Норғул хияндан уйга қайтишини талаб қилганида, у айтган "Норқўзи акам Россияга кетмаган, уни сизлар ўлдириб, хожатхонага қўмиб ташлагансизлар! Дилроз янгам айтди!" деган гаплари одамлар орасида қачин тезлигида тарқалиб кетди...

Тугун мома ўғилларининг ишдан келишини сабр билан кутган кун Норғулнинг хотини Дилроз ҳам миш-мишлар тарқалишига сабаб бўлган воқеага гувоҳ бўлган эди.

2006 йил октябр ойи кунларининг бирида Тугун мома, икки набираси ҳамда келини Дилроз билан уйда ўтиришган вақтда одатдагидек Норқўзи яна ичиб келиб жанжал қўйган бўлди. Бироқ, онаизор бўлмадики, у бир кунмас бир кун содир бўлиши мумкин бўлган жиноятнинг олдини мудҳиш жиноят билан олди.

Воқеадан биров хабар топиб қолмаслиги учун ўғлининг мурдасини янги қазилган ҳожатхонага қўмиб ташлашни буюрган онанинг кўнгли айна шу лаҳзаларда қаҳрга тўла бўлганми, "унга жаноза ҳам хайф" дея ташкидлади. «Шайтон сувини сиғирган ака-укалар эса ўзлари бўғиб ўлдирган жигарининг мурдасини қийим-кечаги билан хожатхонага ташлаб юборишди. Ва шу вақтнинг ўзидек чукурнинг устини очиб, ер билан текис қилиб, ёпиб қўйишди. Шу ерда ёпилган қозон ёпилқичига қолиши учун воқеани сир тутиш, мабодо қимдир Норқўзи ҳақида сурагудай бўлса, уни Россияга ишга кетган, деб айтишни келишига олишди... Аммо, улар яширган "касалик"ни унинг иситмаси ошқор қилди...

Айни қарилк гаштини сураб вақтида салкам ўрта ёшдан ошиб қолган ўғиллари билан жиноятчи, деган тамгага эга бўлган она-болалар ўз қилмишларига яраша тегишли жазога тортилдилар.

Улғубек ЭГАМБЕРДИЕВ,
Сурхондарё вилоят прокурори
ўринбосари
Маммура ДУСИЯРОВА,
«Huquq»

Ичкиликнинг касофатига унраган ўғлининг доимий таҳқирларига, андишасиз қилиқларига, тинимсиз жанжалларига нуқта қўйиш учун мома қолган икки ўғлига ҳам кишини "шерюрак қилувчи" арокдан қўйиб берди. Тақдирининг ҳал бўлаётганидан беҳабар уқлаб ётган маст ўғил ака-укасининг қўлида жон таслим қилди. Ароқнинг кучини, уни ичган инсоннинг манқурт мисоли ўз ақлини унутиб, ўзгалар таъсирига тушиб қолишни кўринг! Ичкиликка берилган, ношуд фарзандининг таъйиқларидан безган она фарзандларини ҳам ваҳшийлик ботқоқига бошлаб, ўғилларининг мастлигидан фойдаланиб, ўғлининг ҳаётига қасд қилди... Ҳуёки шу билан барчасига нуқта қўйган бўлди. Бироқ, онаизор бўлмадики, у бир кунмас бир кун содир бўлиши мумкин бўлган жиноятнинг олдини мудҳиш жиноят билан олди.

Воқеадан биров хабар топиб қолмаслиги учун ўғлининг мурдасини янги қазилган ҳожатхонага қўмиб ташлашни буюрган онанинг кўнгли айна шу лаҳзаларда қаҳрга тўла бўлганми, "унга жаноза ҳам хайф" дея ташкидлади. «Шайтон сувини сиғирган ака-укалар эса ўзлари бўғиб ўлдирган жигарининг мурдасини қийим-кечаги билан хожатхонага ташлаб юборишди. Ва шу вақтнинг ўзидек чукурнинг устини очиб, ер билан текис қилиб, ёпиб қўйишди. Шу ерда ёпилган қозон ёпилқичига қолиши учун воқеани сир тутиш, мабодо қимдир Норқўзи ҳақида сурагудай бўлса, уни Россияга ишга кетган, деб айтишни келишига олишди... Аммо, улар яширган "касалик"ни унинг иситмаси ошқор қилди...

Айни қарилк гаштини сураб вақтида салкам ўрта ёшдан ошиб қолган ўғиллари билан жиноятчи, деган тамгага эга бўлган она-болалар ўз қилмишларига яраша тегишли жазога тортилдилар.

Қўли эгри опа-сингиллар

Одатда, оиланинг ака ва опалари ўз укаларига, сингилларига ўрناق бўлиб, уларни фақат эъзуликка етаклашлари керак. Аммо қуйидаги воқеада опа ўз сингилсига қандай "ўрناق" бўлгани ҳақида келтириб ўтамиз. Асли хоразмлик бўлган опа-сингил Гулноза ва Дилноза Шокирова-лар Тошкентга иш излаб келишди. Гулноза Шокирова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оиласидаги қизларнинг каттаси ҳисобланиб, ёши ҳам элликдан ошган. Афсуски, у ёшига ярашган иш қилишни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Бу аёл сингилсига қараганда гапга чечанроқ бўлгани бос, осонгина ижарага ушбу она топиб олди. Опа-сингиллар ушбу уйда бирга яшаб бошладилар. Ётиб эсанг, тоғ ҳам чидамайди, деганларидек, уларнинг ўзи билан олиб келган бор пуллари ҳам тугади. Эндиликда улар ижара ҳақини тўлашга ва кунда-

лик еб-ичишларига ҳам пул топишлари керак эди. Бунинг учун эса, албатта, ишлаш лозим эди.

Афсуски, ҳалол меҳнат ортдан пул топишга опа-сингилларнинг бўйинлари ёр бермади. Ақсинча, улар жиний йўл билан даромадга эга бўлишни мақсад қилишди. Мана шундай ниятда, Г.Шокирова ўзгалар мулкани яширин равишда талон-торож қилиш режасини тугади. Гулноза ўз сингилсига иш топганини айтиб, эрталаб бозорга чиқишларини айтди.

Дилноза онасининг режаларини эшитиб, "опа, бу ишимиз хавфли эмасми?" дейди. Унинг кўркув аралаш жавобидан Г.Шокирова асабийлашиб, "пул топмасак бўлмайди, кўриб турибсан-ку, боримиз ҳам тугади, эртага квартира ҳақини қандай тўлаймиш?", деди. Бу гаплардан сўнг Дилноза онасининг айтганларига рози бўлди.

Содиқжон БЕРДИАЛИЕВ,

Чилонзор туман прокурори ўринбосари
Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

Эртасига эрталаб опа-сингил Чилонзор тумани Қатортол кўчасида жойлашган "Қатортол савдо маркази"га келишди. Улар "Қатортол савдо маркази"нинг иккинчи қаватида жойлашган савдо дўконларининг бирига киришди. Пайт пойлаб, Дилноза сотувчини гапга солиб туради, Гулноза эса дўкон сотувчисига тегишли, қиймати 55 миң сўмлик "футболка"ни ўғирлаб чиқади. Дастлабки "ўлжа" қўлга киритилганидан сўнг, опа-сингиллар ўзларининг жиний ҳаракатларини яна давом эттирадilar. Улар ўша қаватдаги бошқа яна бир савдо дўконига киришди ва у

ердаги спорт кийимларидан бирини кўрсатиб, унинг энг катта ўлчамдагиси кераклигини айтишади. Дўкон сотувчиси бундай ўлчамдагиси борлигини айтиб, уларга қутиб туришларини тайинлаб, қўшни дўконга чиқиб кетади. Опа-сингил сотувчининг қиёб кетганидан фойдаланиб, унга тегишли 85 миң сўмлик 2 донна спорт курткани, 80 миң сўмлик свитер, шунингдек, 80 миң сўмлик бошқа кийимларини ҳам яширин равишда ўғирлаб қилиб кетишади. Ўзгалар мулкани талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган опа-сингиллар узоққа қочиб кетишолмади. Бозор маъмуриятининг ҳўққини муҳофаза қилувчи орган ходимларига берган тезкор хабарлари туфайли қўли эгри опа-сингиллар бозорнинг ўзида ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Маъзур воқеа юзасидан жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг ҳўққига кўра, Гулноза ва Дилноза Шокирова-лар Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан айбдор деб топилиб, беш йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Бемехр қондошлар

Акалар ота ҳовлисидаги чироқни ёқиб қолган укага тиш қайраган кўйи, уйни сотиб, пулини бўлиб олмишни кўзлаши. Ука эса оёғини тираб олиб, ҳовлини соттирмасликка ҳаракат қилади. Можарога келинлар аралашиб, жанжал алангасига бензин селгандай бўлиши. Натижада ака-укалар бир-бирларига ташланиб, ўртада муштлашув бошланди. Бир пайтлар шу ҳовлида укасини елкасида кўтариб уйнатган ака бугун жигарининг оғзи-бурини қонга беледи, кўча-кўйда ё мактабда бирортасидан калтак еса, чопқиллаб келиб, акаларига орқа қилган ука энди болта олиб, ўз туғишганларини қувлади...

Ачинарли бўлса-да, бундай ҳолатлар гоҳида учраб туради. Баъзида ота-онадан қолган мол-дунёни, ҳовли-жойни таллашиб, туғишган жигарларнинг бир-бирига ёвдай муносабатда бўлаётгани ҳақида эшитиб қоламиз. Арзимаган гап-сўз туфайли туғишганлар ўртасида низо пайдо бўлади. Бора-бора орага совуқчилик тушади, мехр-оқибат йўқолади. Гинакудурат охир-оқибат галвага, юзқўришмасликка сабаб бўлади. Энг ёмони, ака-укалар ўртасида чиққан низо, баъзан қариндошлар ўртасидаги жанжалга, қолаверса, аянчли фожиаларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Ҳа, мана шундай можаролар ортидан қариндошлик ришталарининг узилиши, ўткинчи мол-дунё исканжасида ака билан ука ўртасига со-


вуқчилик тушиши аслида бизнинг халқимизга хос эмас. Афсуски, бугунги кунда баъзи баъзида бўлса-да, мана шундай кўнгилсизликларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Биз кўйида келтирмакчи воқеада эса туғишган қондошлар юқоридаги каби уй-жой, мол-дунё таллашиб эмас, балки арзимаган пулни деб, бир-бирига пичоқ кўтаришгача боришди.

2013 йил 18 июль. Мамбетбай Аллаберганов(исм-фамилиялар ўзгартирилган) акаси Керимбай билан бирга Нукус шаҳридаги деҳқон бозоридида савдо дўконини таъмирлашга киришди. Ака-ука таъмирлаш ишларини узоқ давом эттиришмади. Тушлик вақтидан кўп ўтмай, ишни битириб, уйлари-га қайтмоқчи бўлиб туришганида бирига ака, бирига ука бўлмиш Муханбай келиб

қолди. Ака-укалар ўзаро маслаҳатлашиб, чўмилгани бо-ришни режа қилишди. Дўкон эласи уларни "Қизкетган" каналига олиб бориб қўйди ва Керимбайга иш ҳақи сифатида 40 минг ҳамда "қиттай-қиттай" учун яна 7 минг сўм бериб кетди. Ака кичик укасига "шайтон суви"га аталган пулни бериб, ароқ олиб келишга жўнатди. Мамбетбай физиллаб бориб, бир шиша ароқ олиб келди. Уч оғанини биргалашиб, "олдик-олдик" билан зумда ароқни ичиб қўйишди. Уч кишига бир шиша "зорманда" камлик қилди, шекилли, Керимбай шу ерда чўмилиб

Комил ТўРАКУЛОВ,
Бош прокуратура бошқарма
прокурори

юрган бир боланинг қўлига пул бериб, яна ароқ келтирди. Табиийки, шиша ичида сокин ётган "шайтон суви" томоқларидан ўтганидан кейин ўз нафасини кўрсата бошлади. Кетма-кет ичилган спиртли ичимлик ўз таъсирини кўрсатиб, ака-ука "улуш"ни бўлишолмай, тортишиб қолишди. Яхшики, бу вазиятда Муханбай ўртага тушиб, уларни ажратиб қўйди ва уювлон ўз уйларига кетишди.



Ўзганинг билими билан

Ўқишга кирган абитуриент қонун олдида жавоб берди

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар билим олишлари учун ҳар томонлама шарт-шароит яратилган, уларнинг истеъдодларини юзага чиқариш ва рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада давлатимиз томонидан қатор Фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, заътага татбиқ этилаётир. Хусусан, Юртбошимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, барча таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитишнинг янги тизими жорий этилиши ҳам ёшларимизга улкан имкониятлар эшигини очиб берди.

Юртимизда имтиҳонларни тест синовлари асосида топшириш жорий қилин-гандан сўнг, ўқувчининг мактабда олган билим даражаси, кўникама ва ма-лакалари олий таълим муассасалари-га қабул жараёнида яққол намоён бўлмоқда. Табиийки, ўз билимига ишонган, эркин фикрловчи, изланув-чан, тиришқоқ, янгилликка ва замона-вий билимларни эгаллашга интилув-чи зукко абитуриентларимиз олий ўқув юртига кириш учун бўладиган тест синовларидан қийналмай, осонгина, ҳеч бир муаммосиз ўтиб, талабалар сафига қўшилидилар. Аксинча, давлатимиз томонидан яратиб берилётган имкониятлардан фойдаланмай, мактаб, коллеж ва лицейларда ўқиш пайтида вақтинчи кўчада ўтказган ўқувчилар эса нафақат ўзларига, балки не-не умид-лар билан фарзанд ўстириб, олий маъ-лумотли бўлишни истаган ота-она-ларига ҳам жабр қилмоқдалар.

Етарли билимга эга бўлмаган ўқув-чилар "ўқишга киритиб қўяман", деб фирибгарлик ортидан ўзларини даромад орттирмакчи бўлган кимсаларнинг ту-зоғига тушиб, оқибатда қонун олдида жавоб беришга мажбур келмоқда.

Тошкент юридик коллежида катта ўқитувчи лавозимда ишлаган Икром Болтаев(исм-фамилиялар ўзгартирил-ган)нинг ўзи юрист бўлиб, қонунлари-

мизни яхши тушунган ҳолда, нафси-нинг ноғорасига ўйнади. Мўмай даро-мад орттириш мақсадида фирибгар-ликини ўзига касб қилди. Юқорида таъ-кидлаганимиздек, у ўқишга кирмоқчи бўлган ёшларни фирибгарлик йўли билан алдаб, уларни катта пул эвази-га олий ўқув юртига киритиб қўйиш учун "қоп-қоп" ваъдалар берди. Қисқа қилиб айтганда, олий маълумотга эга бўлган, оқ-корани фарига бора ола-диган И.Болтаев қингир ишнинг боши-ни тутди. Халқимиз орасидаги "қин-гир ишнинг қийғи, қирг йилдан сўнг ҳам ошқор бўлади", деган нақлга пан-жа орасидан қаради. Натижада эса суднинг қора курсисига ўтиришга маж-бур бўлди.

Хоразмлик Наримон Жуманов ўқишга кириш борасида И.Болтаевга ишониб, қаттиқ янглишди. Боиси, у ўзига ишонмай, ўза одамнинг били-ми билан ўқишга киришни ихтиёр қил-ган эди. Аммо...

Н.Жуманов Урганч шаҳридаги ака-демик лицейни тамомлагач, ўша йили Урганч Давлат университетига ўқишга кириш учун ҳужжат топширади. Ўз вақ-тида билим олишининг уддасидан чиқа олмаган Наримон олий ўқув юртига кириш тест синовларидан ўта олмай-ди. Табиийки, дастлабки йили имти-ҳондан ўта олмаган абитуриент кейин-ги йилги синовлар учун бор қуч-ғай-

ратини ишлатиб, бўлажак тестларга тайёргарлик кўради. Бироқ, Н.Жуманов кейинги йилги имтиҳонларга тайёрла-нишнинг бошқача усулини қидира бошлади, аниқроғи, ўқишга киришнинг ноқонуний йўлини танлади.

Унга ўхшаганларни тузоғига илин-тирмакчи бўлиб юрган И.Болтаев учун бу айни муद्дао бўлди. Миждоз топи-лганидан хурсанд бўлган "хожатбарор" бор маҳоратини ишга солиб, Н.Жума-новни Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртига киритиб қўйишга ваъда беради. Бунинг эвази-га эса абитуриентдан 11 минг АҚШ долларини қуртдек санаб олади.

Ваъдани тоғдек қилиб берган И.Болтаев энди Н.Жумановнинг ўрни-га тест имтиҳонларини муваффақият-ли топшира оладиган, кўчанинг гапи билан айтганда "қалла" қидира бош-лади. Излаган одами ҳам тезда топи-ла қолди. Тест имтиҳонларини қойил-мақом қилиб топширишга ваъда бер-ган Саид Учқунов хизмат ҳақи учун И.Болтаевдан 4 минг АҚШ долларини талаб қилади. Хуллас, ўқишга кирмоқ-чи бўлган, ўртада турган ҳамда биров-нинг ўрнига имтиҳон топшириши ке-рак бўлган уч киши ўртасида ўзаро жиноий тил бириктирилади.

Келишилганидек, имтиҳон кунини уювлон яна учрашилади. Н.Жуманов-нинг паспорти ва Давлат тест марка-зининг абитуриент рухсатномаси "қалла" вазифасини бажараётган С.Учқуновга берилади. Ваъдага муво-фиқ, имтиҳонлар кўнгилдагидек топ-ширилади. Бировнинг билими эвази-га Н.Жуманов талабалик бахтига му-яссар бўлади. Лекин шундан сўнг, олди-берди борасида муаммо туғи-лади. Келишувга кўра, ваъда қилин-ган 4 минг АҚШ долларининг саккиз юзи "сохта абитуриент"нинг чўнтағи-дан жой олади. Қолганини эса иши битган И.Болтаев "эғаси"га қайтарги-

Бироқ Мамбетбайга улуши акасида қолиб кетгани ҳеч тинчлик бермади. Натижада хизмат ҳақини ундириш мақ-садида акасининг уйига отлан-ди. Кайфи тарок бир аҳволда Керимбайнинг хонадонига ки-риб келган ука улушини талаб қилган эди, ака "пулингни берсам, ароқ ичиб қўяман", дея рад қилди. Бу жавобдан жадл отига минган ука акага ташланди. Укадан мушт еган аканинг ҳам зардаси қайнаб, қўлига пичоқ олди...

Акасининг уйдан жараҳат-ланган ҳолда ортга қайтган Мамбетбай ўч олишни ният қилди. У шу мақсадда уйдаги ош пичоғи билан қуролланиб, йўлга тушди. Мамбетбай ака-сининг уйига бораётганида йўлда Керимбайни учратиб қолди-да, пичоқ кўтарганча уни қува кетди. Ака узоққа қоча олмади. Ортидан етиб олган ука Керимбайнинг орқа чап ку-рагининг остига пичоқ урди. Натижада ака ерга йиқилди. Бундан фойдаланган Мамбет-бай пичоқни ишга солиб, ака-сини қасддан ўлдиришдек ўта оғир жиноятни содир қилди...

Мазкур ҳолат юзасидан қонун ўз сўзини айтиди. Жино-ят ишлари бўйича Қорақалпоғис-тон Республикаси Олий суди томонидан Мамбетбай Аллаберганов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодек-сининг 97-моддаси 2-қисми "л" банди билан айбли деб топилиб, унга 15 йил муддат-га озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Улуғбек АНВАРОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим
АМИБ катта терговчиси

си келмайди. Шундан сўнг, С.Учқунов-нинг кўзи очилади. Қаттиқ янглишга-нини, ноқонуний йўл билан топилган пул инсонга ҳеч қачон хотиржамлик олиб келмаслигини англаб етати ва ҳуқуқ-тартибот идораларига ушбу ҳолат юзасидан мурожаат қилиб, қил-мишдан пушаймон эканлигини айта-ди. Ноқонуний йўл билан қўлга кирит-ган 800 АҚШ долларини ҳам керакли жойга топширади.

Мазкур ҳолат юзасидан СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан тезкор-қидирув ишлари олиб борилиб, қонунбузарлар тезда аниқланадилар. "Бузоқнинг югургани сомонхонагача", деб бежиз айтилмаган. Тергов жараё-нида ушбу кимсаларнинг қингир иш-лари ошқор бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди С.Учқуновнинг мазкур ҳолат юзасида тегишли жойга ўз вақ-тида хабар қилгани ҳамда ушбу жино-ятнинг очилишида ёрдам берганини инobatга олди. И.Болтаев ҳамда Н.Жу-мановларнинг қилмишларига яраша суд томонидан ҳқм чиқарилиб, жазо тайинланди. Шунингдек, ноқонуний йўл билан ўқишга кирган Н.Жуманов тала-балар сафидан хайдалди. Хизмат ҳақи эвазига берган 11 минг АҚШ долларини эса пора сифатида давлат эгаллигига ўтказилди.

Ушбу воқеадан кўриниб турибдики, енгилнинг тағидан, оғирнинг устидан ўтиб юрвчи айрим ўқувчилар ва аби-туриентлар ҳеч қачон талабалик бах-тига эриша олмайдилар. Тинимсиз из-ланест, чққур билимга эга бўлганлар-гина тест имтиҳонларида керакли бал-ларга эга бўла оладилар.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2014 йил 10 март куни ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари қуйидагича:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- энг камда иловада келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги ишчи ўринларини ташкил этиш;
- сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объект бошланғич нарҳининг 15 фоизидан кам бўлмаган гаров суммаси;
- таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар,

икки нусxada.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шarti юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2014 йил 10 март куни соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани,

Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-“А” уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2014 йилнинг 17, 24, 31 март ҳамда 7, 14, 21, 28 апрель кунлари соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-“А” уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат активлари

Рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майdonи (кв.м.)	Объект манзили	Баландса сакловчи	ПК/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Давлат активнинг сотилиш нархи (давлат активининг савдога чиқарилган нарҳидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи) (сўм)	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Бино ва иншоотлар	306,00	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, К.Отабоев кўчаси, 76-уй	Тошкент магистрал канали бошқармаси	25.04.2012 №1743	331 010 604,00	297 909 543,00	30 000 000,00	1 йил
2	Бино ва иншоотлар	8 204,00	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик халка йўли (Низов) кўчаси, 1-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	7 317 811 400,00	6 586 030 260,00	2 195 343 420,00	1 йил
3	9 қаватли бинонинг биринчи қаватига тақаб қурилган бино	1 044,00	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 35-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.04.2012 №1743	1 294 168 500,00	1 164 751 650,00	1 йил муддат ичида энг кўп миқдорда инвестиция киритиш шarti билан.	
4	“Махсусбутлашга” МЧЖ	35,86 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Олмачи кўчаси, 21-уй	“Махсусбутлашга” МЧЖ	25.04.2012 №1743	956 999 600,00	861 299 640,00	100 000 000,00	1 йил
5	МЧЖ шаклидаги “Bezak” Ўзбекистон-Америка кўшма корхонаси	17,5 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-уй	МЧЖ шаклидаги “Bezak” Ўзбекистон-Америка кўшма корхонаси	12.08.2011 №211	1 479 496 200,00	1 331 546 580,00	1 йил муддат ичида энг кўп миқдорда инвестиция киритиш шarti билан.	
6	Илмий ишлаб чиқариш лаборатория бино ва иншоотлари	6 383,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	6 169 416 246,00	474 622,00 5 552	1 850 800 000,00	1 йил
7	Бино ва иншоотлар	3 440,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25а-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	3 367 093 747,00	384 373,00 3 030	1 010 100 000,00	1 йил
8	Қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш лаборатория	404	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 2-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	1 350 892 000,00	892 000,00 1 350	405 200 000	1 йил

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майdonи (кв.м.)	Объект манзили	Баландса сакловчи	ПК/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Объектларнинг сотилиш нархи (объектларнинг савдога чиқарилган нарҳидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи)	Инвестиция мажбурияти (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Нотура жой биноси	463,0	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6“Б”-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.04.2012 №1743	377 898 285,00	340 108 457,00	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - кўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва кўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	«Тог-геология жамланма экспедицияси» МЧЖ	29,5 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Мироклилова кўчаси, 68а-уй	«Тог-геология жамланма экспедицияси» МЧЖ	25.04.2012 №1743	197 104 700,00	177 394 230,00		
3	«YENGMATJMARKAZI» МЧЖ	25,0 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уй	«YENGMATJMARKAZI» МЧЖ	25.04.2012 №1743	243 444 680,00	219 100 212,00		
4	«4-сон таъмирлаш қурилиш йиғиш бошқармаси» МЧЖ	98,64 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, С.Топилов кўчаси, 3-уй	«4-сон таъмирлаш қурилиш йиғиш бошқармаси» МЧЖ	25.04.2012 №1743	517 726 900,00	465 954 210,00		

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майdonи (кв.м.)	Объект манзили	Баландса сакловчи	ПК/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Авария-электр хизмати ва омборхона бино-иншоотлари	471,0	Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Х.Абдуллаев (М.Улугбек) кўчаси, 3-уй	Тошкент шаҳар «Қурилиш-таъмирлаш хизмат кўрсатиш бошқармаси»	25.04.2012 № 1743	288 774 883,00	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - кўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва кўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майdonи (кв.м.)	Объект манзили	Баландса сакловчи	ПК/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси	9 886,0	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Бектемир (собик Сувчи даҳаси) Чо Мен Хи кўчаси	Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона бурюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси	6.07.2012 № 199	1 049 271 287,00	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - кўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва кўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	

sochi.ru
2014

Бизга маълумки, жорий йилнинг 7 февраль куни Россиянинг Сочи шаҳрида XXII қишки Олимпия ўйинлари бошланади. 23 февралга қадар давом этадиган мусобақаларда ўзбекистонлик спортчилар ҳам иштирок этади.

Эртага Олимпия ўйинлари бошланади



Давлатимиз томонидан хусусан, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, Ватанимизнинг халқро майдондаги обрўсини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор туфайли мамлакатимизда қишки спорт турлари ҳам тобора ривожланмоқда. Спортчиларимиз қишки Олимпия ва Осие ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида мунтазам иштирок этиб, улкан натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг дастлабки Олимпия медаллари ҳам қишки спорт тури бўйича қўлга киритилган эди. Бундай бахтга 1994 йили Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида ўтган XVII қишки Олимпия ўйинларида Лина Черязова мусоаб бўлган эди. У чанги акробатикаси бўйича шохсупанинг юқори поғонасидан жой олиб, олтин медалга сазовор бўлганди. Спортчиларимиз 1998 йил Нагано (Япония), 2002 йил Солт-Лейк Сити (АҚШ), 2006 йил Турин (Италия), 2010 йили Ванкувер (Канада) шаҳарларида ўтказилган қишки Олимпия ўйинларида ҳам муносиб иштирок этишган.

Таъкидлаш жоизки, айни вақтда ёшларимиз ўртасида тоғ чангиси, сноуборд, фристайл, фигурали учш, хоккей каби қишки спорт турлари тобора ривожланиб бормоқда. Тошкент вилоятидаги Янги-обод, Чимён спорт базаларида спортнинг чанги, фристайл, сноуборд каби турлари билан шуғулланишга шароитлар яратилган бўлса, пойтахтимиздаги "Айс ринк" суний муз қопламали спорт саройи ва "Айс авеню" муз саройи эса фигурали учш ва хоккей машғулларини ўтказиш учун жуда қулайдир.

Социда ўтказилаётган XXII қишки Олимпия ўйинларида спортчиларимиздан Миша Ге (фигурали учш), Артём Воронов ҳамда Ксения Григорьевалар (иккиси ҳам тоғ чангиси мусобақасида) иштирок этадилар.

Бугунга келиб фигурали учш бўйича мамлакатимизда кучли мактаб шакланган десак, муболага бўлмади. Олимпия мусобақаларида йўл олган Миша Ге 2013 йил март ойда Канадада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, "Сочи-2014" йўланмасини қўлга киритган эди. Тоғ чангиси бўйича ҳам республикамиз терма жамоасининг энг кучли спортчилари Артём Воронов ҳамда Ксения Григорьевалар Янги Зеландияда ўтказилган халқаро турнирда мазкур нуфузли мусобақанинг лицензиясини қўлга киритган эди.

Спортчиларимиз мазкур Олимпиадада муносиб иштирок этиш учун пухта ҳозирлик кўришди. Атлетларимиздан бири Миша Ге 2013 йилги спорт мавсумида Хитой, Таиланд ва Болгарияда ўтказилган халқаро турнирларда олтин ва кумуш медаллар билан тақдирланган ва мана шу мусобақаларда спортчимиз Олимпия ўйинларида қатнашиш учун керакли тажриба орттирган. Тоғ чангиси усталари — Артём Воронов ва Ксения Григорьева ҳам Олимпия ўйинларида тайёргарлик жараёнида Европа давлатларида ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида ўз маҳоратларини ошириб, иқтидорларини кўришдан ўтказишди.

Гомес ортидан Манджукчи

Ўтган мавсумда "Бавария" клуби сафига келиб қўшилган Марио Манджукчи Италиянинг "Ювентус" жамоасига ўтиб кетиши мумкин.



Марио "Бавария"га келганида клубнинг асосий ҳужумчиси бошқа бир Мариони (Гомес назарда тутилмоқда) захирада ўтиришга мажбур қилганди. Натижада Гомес Италияга йўл олди ва ўз фаолиятини "Фиорентина" клубида давом эттирмоқда.

Жорий мавсумдан Германия клубида бош мураббий сифатида иш бошлаган Пел Гвардиола Манджукчига ишонч билдирмади ва хорватиялик ҳужумчи кўпроқ захира ўринидагида ўтирмоқда. Шу сабабли Марио бошқа жамоага ўтиб кетишни режалаштирмоқда.

"Tuttosport" наشري берган хабарларга қараганда, Манджукчи "Ювентус" футболчисига айланади. Мазкур футболчи тоvon пули сифатида турынликлар германияликларга 20 миллион евро тўлашади.

«Барселона»га янги стадион

Маълумотларга қараганда, "Барселона" клуби янги стадион қурилишини тасмиллади. 2017-2021 йилларда қурилиш режалаштирилган янги футбол майдони 105 минг кишига мўжжалланган бўлиб, аввало, унинг қурилишини жорий йилнинг апрель ойда бўладиган директорлар кенгаши тасдиқлаши лозим. Клуб янги стадионни Ле Корт туманидаги 20 гектарлик майдонда қурмоқчи.

Лойиҳада 105 минг кишилик стадион, 12 минг муҳлис сифатдаги арена ва яна усти ёпиқ майдон, муз майдони, ихтимойий ва тадбиркорлик ҳудуди, замонавий офис, янги клуб академияси ва 5 минг автоулов сифатдаги тўхташ жойи ҳам кўзда тутилган.

Янги стадион қурилиши 2017 йилда бошланиб, 2021 йилга қадар тугалланиши кутилмоқда. Хабар қилинишича, стадион қурилиши клуб учун 600 миллион еврога тушади.

«Реал» апелляция бермоқчи

Испания чемпионатининг 22-тури қизиқарли ва мунозарали вазиятларга бой бўлиб, Қутинмаганда "Барселона" ўз уйда мавсумини бир текис ўтказа олмаётган "Валенсия"га ютқазиб қўйди, "Реал" эса бу имкониятдан унумли фойдалана олмади. Бунинг устига клуб ҳужумчиси Криштиану Роналду "Атлетик"ка қарши кечган ўйинда қизил карточка олиб, майдондан четлаштирилган эди.



Мадриднинг "Реал" клуби ўз ҳужумчиси Криштиану Роналдунинг "Атлетик"ка қарши ўйинда олган қизил карточкасига апелляция бермоқчи, деб хабар бермоқда испан матбуоти.

Хабарингиз бор, икки қарра "Олтин тўп" соҳиби ўша учрашувнинг 75-дақиқасида рақиб футболчисини ургани учун майдондан четлатилганди. "Кирролик клуби" ушбу ҳолат бўйича "Вазият бўлган ҳолатда тўп уйда эди ва ҳакам Айсас Гамес қизил карточка кўрсатди. Роналдунинг Андер Итурраспегега қарши ҳаракатини зарба деб бўлмади", деган фикрда.

Бундан ташқари, клуб Роналдунинг майдонни тарк этаётганда қилган ҳаракатлари ҳам ҳакамларга қаратилмагани таъкидламоқда.

Бироз аввалроқ, Роналдунинг айнан майдонни тарк этиш жараёнидаги хатти-ҳаракатлари сабаб, учта ўйиндан четлатилиши мумкинлиги ҳақидаги хабарлар пайдо бўлган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, прокуратура фахрийси

Турсуной ҚОДИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Республика Ҳарбий прокуратураси жамоалари ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Ҳарбий прокуратура фахрийси

Марк ГИРШФЕЛЬДнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган такроран оқиқ «Аукцион» савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 март кунги 94-сонли "Истеъмол товарлари билан улгурчи ва чакана савдонини ташкил этишни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўрисида"ги Қарорига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК тугатиш комиссиясининг 2014 йил 28 январдаги 22-сонли хатига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг қуйида келтирилган жамиятлардаги улушлари арзонлаштирилган баҳода такроран аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. Олтиариқ тумани "Олтиариқ савдо инвест" (собиқ Олтиариқ туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 22,36 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 96 441 942 сўм;

2. Бувайда тумани "Янгиқўрғон Файз Инвест" (собиқ Бувайда туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 25,00 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 76 362 797 сўм;

3. Фурқат тумани "Омадли Инвест Тараққиёти" (собиқ Фурқат туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 31,55 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 109 920 393 сўм;

4. Фарғона тумани "Аввал Обод Савдо" (собиқ Аввал "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 25,00 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 10 533 950 сўм;

5. Қува тумани "Тайёрловсавдо" МЧЖдаги 25,02 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 6 581 291 сўм;

6. Учкўприк тумани Давлат таъминоти корхонасидаги 100 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 1 968 094 сўм.

Аукцион савдолари 2014 йил 21 февраль кунги соат 10:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдога қатнашиш учун аризалар 2014 йил 20 февраль кунги соат 17:00гача қабул қилинади.

Мазкур улушлар 2014 йил 20 февраль кунги аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йил 10 март кунги соат 10:00да бўлиб ўтиши олдиндан маълум қилинади. Шунингдек, такрорий савдо учун аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин 18:00гача қабул қилинади.

Савдога қўйилган "улуш" ларнинг ҳужжатлари билан "Савдо ташкилотчиси" ёки Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АКнинг тугатиш комиссиясида бевосита танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузилдиган закатлат келишувига асосан, улуш бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан закатлат пулини тўлов ҳужжатидан улушни номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг рекузитлари, ИИН: 302128329, МФО:00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар ўзларини қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй. Тел: +99895 404-54-84 "EFFECT REAL GROUP" МЧЖ Лицензия RR 0094

Хизматлар лицензияланган

<p>Huquq yuridik gazeta</p> <p>Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi</p>	<p>Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV</p> <p>Tahrir hay'ati: Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV Abbosxon SANGINOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muxtor ZOIROV Kamoliddin ASQAROV Gulnoza RAHIMOVA (mas'ul kotib v.b.)</p>	<p>Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.</p> <p>Telefon: 233-98-40, Faks: 233-10-53, 233-64-85</p> <p>E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz</p> <p>Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda</p>	<p>Tahririyatga kelgan qo'yimlar taqrib qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.</p> <p>«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.</p> <p>□ — tijorat materiali.</p> <p>Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.</p> <p>Nashr ko'rsatgichi 231</p>	<p>Buyurtma j-9128. 50 409 nusxada bosiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.</p> <p>Navbatchi muharrir: G.HUJIBOYEVA Sahifalovchi: S.BOBONOV Navbatchi: O'.DEHQONOV</p> <p>Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9</p>	<p>Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.</p> <p>ISSN 2010-7617</p> <p>9 772010 761004</p>
---	---	---	---	---	---